

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзДЖТУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
сиёсий фанлар номзоди доцент Муитов Даврон

Такризчилар: С.ф.д., профессор А. Мўминов
С.ф.д., профессор И.Эргашев

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли
баённомаси)*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	8
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	100
V. ГЛОССАРИЙ	110
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	119

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионалигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникама, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникама, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- “Жаҳон сиёсати” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Жаҳон сиёсати” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

- жаҳон сиёсий тизимининг тузилмасини;

- жаҳон ривожланишининг умумий тенденцияларини;

- жаҳон сиёсатида шахснинг ролини;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принципларни;

- Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан олиб бораётган ўзаро манфаатли ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини;

- МДХ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишларини;

- истиқболга мўлжалланган сиёсий прогнозларнинг моҳиятини *билиши* керак.

- глобаллашувнинг замонавий жаҳон сиёсий ривожланишига таъсири масалаларини таҳлил этиш;

- замонавий жаҳон тартиботи концепцияларининг моҳиятини тушунтира олиш;

- интеграцион ва замонавий геосиёсий жараёнларни шарҳлаш;

- жаҳон сиёсатида ҳокимият учун курашнинг оқибатларини тадқиқ этиш;
- жаҳон сиёсати ва унинг Марказий Осиё давлатларига таъсири масаласини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини ўрганиш;
- сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш борасидаги билимларни давомли мустақамлаш;
- жаҳон сиёсатида Хитойнинг Осиё ва тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ давлатлари ҳамда Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг тутган ўрнини илмий фактларга асосланган ҳолда аниқлаш;
- жаҳон сиёсатида ислом омилининг тутган ўрнини очиб бериш;
- Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги фаолияти ва истиқболларини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари билан яқиндан танишиш ва уларнинг амалий аҳамиятини мустақамлаш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсатининг узвийлигини англаш;
- замонавий геосиёсий жараёнлар ва халқаро хавфсизлик масаласини кўриб чиқиши;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналиш ва принципларни тарғиб этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ривожланган давлатлар билан олиб бораётган ташқи сиёсатининг амалий аҳамияти тўғрисида ўқув-видео материаллар тайёрлаш;
- кўшни мамлакатлар билан сиёсий, илмий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини тарғиб этиш;
- МДХ мамлакатлари билан муносабатларнинг сиёсий йўналишлари, сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намоёндалар қарашларни ва уларнинг назарий меросини таҳлил этиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- жаҳон сиёсатида шахснинг роли, жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон сиёсати, жаҳон сиёсатида ҳокимият учун кураш масалалари моҳиятини тарғиб этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини

ташқил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташқил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташқил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Жаҳон сиёсати”, “Сиёсий менежмент”, ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя тизими ҳақида билиш ва улардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда улар билан ижтимоий иш олиб бориш усулларида фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принциплар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Германия, Франция ва Буюк Британия	4	2	2	
2.	Афғонистон халқаро муносабатлар тизимида. Жанубий, Марказий ва Жануби - Шарқий Осиёда экспансиянинг замонавий жараёнлари. Ўзбекистон Республикасининг Покистон ва Ҳиндистон билан икки томонлама алоқалари. Эрон ва унинг Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазиятга таъсири	4	2	2	
3	МДҲ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси халқаро минтақавий ташкилотлар тизимида. Сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш	6	2	4	
4	Яқин келажак ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган сиёсий прогнозлар. Маданий ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш ва уларни илмий асосда талқин қилиш. Миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлат имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намоёндалар қарашларни ва уларнинг назарий мероси	6	4	2	
5	Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги фаолияти. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари	6	2	4	
	Жами:	26	12	14	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принциплар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Германия, Франция ва Буюк Британия (2 соат).

Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатларини англаш: миллий манфаатлар категорияси. Халқаро тизимларда геосиёсий мунозара муаммоси. XX асрнинг глобал геосиёсий муҳити мазмуни. Ахборий жамиятда маконни назорат қилишнинг асосий воситалари. шахс устидан маънавий-мафкуравий назорат. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принциплар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Германия, Франция ва Буюк

Британия. Ўзбекистон – АҚШ муносабатларининг ривож ва истиқболлари. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё субминтақасининг устувор сиёсий парадигмаси. Қўшни мамлакатлар билан сиёсий, илмий, иқтисодий ва маданий муносабатлар.

2-мавзу: Афғонистон халқаро муносабатлар тизимида. Жанубий, Марказий ва Жануби - Шарқий Осиёда экспансиянинг замонавий жараёнлари. Ўзбекистон Республикасининг Покистон ва Ҳиндистон билан икки томонлама алоқалари. Эрон ва унинг Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазиятга таъсири (2соат).

Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатларини таъминлашда давлат ахборот хавфсизлиги. Ахборий стратегияда замонавийлик ва тарихийлик. Ахборот хавфсизлиги, мафкуравий таҳдид, миллий давлат, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларга таҳдид. Афғонистон халқаро муносабатлар тизимида. Жанубий, Марказий ва Жануби - Шарқий Осиёда экспансиянинг замонавий жараёнлари. Ўзбекистон Республикасининг Покистон ва Ҳиндистон билан икки томонлама алоқалари. Эрон ва унинг Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазиятга таъсири.

3-мавзу: МДХ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси халқаро минтақавий ташкилотлар тизимида.

Сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш (2 соат).

Ахборотлашган жамиятнинг янги мазмуни. Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатлари таъминлаш ва жаҳон ривожланиши. МДХ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси халқаро минтақавий ташкилотлар тизимида. Сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш. Яқин келажак ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган сиёсий прогнозлар. Жаҳон сиёсатида ҳокимият учун кураш.

4-мавзу: Яқин келажак ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган сиёсий прогнозлар. Маданий ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш ва уларни илмий асосда талқин қилиш. Миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлат имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намояндалар қарашларни ва уларнинг назарий мероси (4 соат)

Халқаро тизимларда рақобатда ахборот билан ишлаш омили. Геосиёсий тадқиқотлар, халқаро тинчлик, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, глобал барқарорликни сақлаш. Маданий ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш ва уларни илмий асосда талқин қилиш. Миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлат имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намояндалар қарашларни ва уларнинг назарий мероси.

5-мавзу: Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги фаолияти. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари (2 соат).

Геосиёсат ва журналистика. Ташқи сиёсат моҳиятини таҳлил этиш. Миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлат имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намояндалар қарашларни ва уларнинг назарий мероси. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги

фаолияти. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари. Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принциплар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Германия, Франция ва Буюк Британия. (2 соат).

2-амалий машғулот. Афғонистон халқаро муносабатлар тизимида. Жанубий, Марказий ва Жануби - Шарқий Осиёда экспансиянинг замонавий жараёнлари. Ўзбекистон Республикасининг Покистон ва Ҳиндистон билан икки томонлама алоқалари. Эрон ва унинг Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий (2 соат).

3-амалий машғулот. МДҲ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси халқаро минтақавий ташкилотлар тизимида. Сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш. (4 соат).

4-амалий машғулот. Яқин келажак ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган сиёсий прогнозлар. Маданий ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш ва уларни илмий асосда талқин қилиш. Миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлат имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намоёндалар қарашларни ва уларнинг назарий мероси. (2 соат).

5-амалий машғулот. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги фаолияти. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари. (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатма материалга ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили					
Тизимли таҳлил		Сюжетли таҳлил		Вазиятли таҳлил	
Афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишни, кўп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида муносабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқа бир сюжетга нисбатан қўлланишга яроқсиз	Вазият иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имконини беради	Динамик хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди
<p>Хулоса: Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради.</p>					

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

•



•

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тизим атроф муҳитдан ажралган, у билан яхлит таъсирлашувчи, бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар мажмуаси бўлиб, тадқиқотлар объекти саналади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавобни баҳолаш мумкин.



Тест

- 1. Тизим қандай сўздан олинган?
- A. modulus
- B. modulis
- C. model



Қиёсий таҳлил

- Оптнер, Квейд, Янг, SR, Голубков моделларини ўзига хос жиҳатларини ажратинг?



Тушунча таҳлили

- Механик тизим тушунчасини изоҳланг



Амалий кўникма

Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мавжуд таҳлил моделларида “SR-моделини қўллаш тартибини биласизми?

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 МАВЗУ: Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ва принциплар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Германия, Франция ва Буюк Британия

Режа:

1. Мавзунинг ёритишда миллий манфаатлар тушунчаси.
2. Мавзунинг ёритишда геосиёсат фани функциялари ва халқаро тизимлар

Таянч сўзлар: геосиёсий манфаат, Миллий манфаатлар Миллий манфаат тушунчаси ҳақида

Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатларини англаш ва таҳлил этиш бугунги суверен давлатимиз учун долзарб мавзудир. Айни *Миллий манфаат* геосиёсий шарҳларда муҳим ўринга эга. Ҳозирги пайтда манфаат тушунчаси геосиёсатнинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Хўш, миллий манфаатнинг геосиёсий жиҳатлари амалиётда қандай намоён бўлади? Сўнгги пайтларда сиёсатчи ва журналистларнинг чиқишларида “геосиёсий манфаат”, “геостратегия”, “геосиёсий моҳаро” каби атамалар тез-тез тилга олинмоқда. Геосиёсатнинг урф бўлишига ва унинг ривожланишига глобаллашув жараёни, дунёнинг икки қутблилик тизимининг ўзгариши ва кўпқутблиликнинг шаклланиши, унинг оқибатида сайёрада янги марказий кучларнинг пайдо бўлиши каби омиллар таъсир қилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти давлатлараро муносабатларнинг энг яхши шаклларида бири сифатида дунёнинг кўп қутблилик тизимини жорий этиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Айни шу ҳолат сайёрадаги кучлар нисбатининг ўзгарганига қарамай, ҳақиқий кўп қутблилик фалсафаси халқаро миқёсда қарорларнинг бир ёки икки кучли давлат томонидан эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинишини талаб этади. Айни глобаллашув жараёнига боғлиқ бўлган ўзаро алоқадорлик даражаси янада адолатлироқ ва инсонпарвар дунёнинг шаклланишига имкон яратиши керак. Бу ўринда журналистика турли глобал жараёнларни ўзаро боғловчи муҳим бир қатлам ҳисобланади. Журналистларнинг фаолияти бевосита халқаро муносабатлар тизимининг иштирокчилари сифатида, БМТнинг инсонпарварлик ва демократия тамойилларига жавоб берувчи дунёнинг кўпқутблилик тизимини тарғиб қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Геосиёсатнинг айни шу ислохотлардаги позицияси ОАВнинг иштирокисиз содир бўлмайди. Юқоридаги фаслда биз янгиликларни таҳлил қилиш орқали дунё сиёсат майдонидаги динамикани кузатиш мумкинлигини қайд этган эдик. Геосиёсат ва журналистика фани эса талабаларни халқаро

геосиёсатнинг назарий асосларини, мураккаб ахборий қарама-қарши глобаллашув шароитларида унинг ривожланиш тенденциялари ва йўналишларини, ахборий-мафкуравий соҳани ўрганишга йўналтиради. Аслида сиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда ОАВнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу ахборотни очиқ ҳаққонийлик асосида, реал дунёнинг виртуал кўриниши сифатида беришдан иборатдир. Зеро, глобал ахборий муҳит шароитида халқаро журналистдан олинган ахборот сиёсий қарорларнинг турли позицияларда қабул қилинишига асос бўлмоқда.

XX аср охирларига келиб, геосиёсат дунёнинг мавжуд ва шаклланаётган сиёсий тизими, унинг тузилиши, институтлари ва жараёнларини ўрганувчи мустақил илмий ва ўқув предмети сифатида тан олинисига эришди. Унга журналистикада геосиёсий мунозара муаммосининг долзарбланиши кучли таъсир ўтказди. Айни “глобаллашув”, “глобал ахборий макон” каби атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёнинг сиёсий жараёнлари ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганишни жиддий масалага айлантирмоқда.

Натижада улар журналистларга глобал ахборий маконда содир бўлаётган воқеалар ривожига таъсир ўтказувчи турли хил геосиёсий омилларни инобатга олган ҳолда кўриш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш имкониятларини бермоқда. Жумладан, давлатлар манфаатлари, кучлар мувозанати, ҳарбий имкониятлар, иқтисодий ва табиий ресурслар, мамлакатларнинг географик жойлашуви, ахборот оқимлари, миллий ғоя ва шу билан бирга давлат тузилишлари, цивилизация характери, халқаро конфликтларнинг даражаси ва бошқа кўп жиҳатлар геосиёсий мунозара учун муҳим мавзуларга айланди.

Шу тариқа журналистика геосиёсий услублар билан бойитилиши баробарида геосиёсий омиллардан бирига айланади, чунки замонавий шароитларда геосиёсий “ўйин”лар журналистлар бераётган ахборот ва улар эгаллаган позиция орқали қайсидир даражада ОАВда амалга оширилади. ОАВ геосиёсий майдон ва геосиёсий восита сифатида намоён бўлади. Бугун глобаллашув жараёнига қадам қўйган инсоният жамиятга мавжуд ҳолатлардаги тўғри йўналишларни танлашда ОАВнинг фаол ёрдамига муҳтож. Бироқ турли ижтимоий гуруҳлар, шунингдек улар томонидан қўллаб-қувватланган ОАВ ҳам глобаллашув жараёнига турлича баҳо берадилар. Бундай шароитларда турли геосиёсий концепциялар доирасида мавжуд қарашлар ва уларнинг ҳаракатини ўрганиш фавқулодда муҳим жиҳатга айланади.

Бизнингча геосиёсат фани - биз учун глобал миқёсда ўзаро алоқадор бўлган географик, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий омилларни инобатга олган ҳолда замонавий дунёга янада танқидийроқ ёндашиш имконини берувчи, халқаро муносабатлар ва ижтимоий реалликнинг таҳлили учун янги имкониятларни яратади. Айни пайтда ОАВнинг замонавий ҳодисаларга геосиёсий ёндашуви - БМТнинг асосий ҳужжатларида тараннум этилган инсонпарварлик ва демократик тамойиллар, умуминсоний

кадриятлар билан жамиятда ижтимоий барқарорликнинг ўзаро боғлиқлик жихатларини ўрганиш ва уларга баҳо беришни талаб этади.

ОАВ шакл ва йўналишларига кўра ўзига хос тарзда воқеа, факт ва ходисалар узатилиб боради. Бу – табиий ҳол. Лекин фактлар сараланишининг ўзи позиция. Шунинг учун ОАВ фақат ижтимоий ахборотни етказиб берувчи каналлар холос, деган фикрларга кўшилиш қийин.

Жумладан, охириги вақтларда қарши алоқа – омманинг кўрган ва эшитганларига бераётган жавоб тарзига кўпроқ эътибор қаратила бошланди. ОАВнинг монополлашув жараёни, йирик матбуот концернларининг ҳатто ўз хоҳиш иродаларини бошқа нашрларга ҳам ўтказиш кучига эга бўлишига олиб келади. Замоनावий техник таъминот ва кучли интеллектуал ресурслар билан улар унча катта бўлмаган ёки ўртача нашрлар билан рақобатда осонгина ютиб чиқишлари мумкин. Кўпгина ҳолларда биргина таҳдиднинг ўзи заиф томоннинг рақобатда кучли томонга ён беришига олиб келмоқда. Шу тарзда соғлом демократия учун омманинг фикри, онги ва ҳатти-ҳаракатини бошқариш жиддий хавф туғдиради. Омманинг дунёқарашини сиёсий мақсадга йўналтириш, шакллантириш ва бошқариш бугунги кунда реал амалиётда кузатилади. Чунки замоनावий бошқарув манипуляторлари жиддий тарзда ошқора ёки беркитилган мақсадга йўналтирилганлик билан ҳаракат қилиш хусусиятига эга.

Дунёнинг замоनावий ҳолатини акс эттириш билан бирга ОАВ геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида муҳим рол ўйнамоқда. Гап сиёсатчилар, йирик капитал эгалари, академик тадқиқот доиралари, матбуот ва кенг жамоатчилик ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ҳам бажариш тўғрисида кетмоқда. Маълумки, совуқ урушнинг якунланиши етакчи давлатларнинг халқаро муносабатларига доир янги мунозараларни бошлаб берганди. Ҳозир совет империясининг таназзули туфайли дунёнинг драматик тарзда ўзгариб кетганини кўриш учун мактаб деворларида осилиб турган хариталарга қарашнинг ўзи кифоядир. Янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Бир-бирини йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилган эски душманлар энди ҳамкорлик қилиш йўлларини изламоқдалар. Уларда бозор иқтисодиёти, демократик кадриятлар ва эркинликнинг афзаллик томонларидан фойдаланиш йўлига ўтилмоқда. Сунъий йўлдошли телевидение, ипак толали оптика, компьютерлар ва видеоёзувлар оммавий дипломатияни янги босқичга олиб чиқди.

Бугун миллий манфаатнинг геосиёсий тус олиши аввало ўша давлатда олиб борилаётган ички сиёсатнинг таркибий қисмини ташкил этувчи асосий вазифалар ва мақсадларга кўп жихатдан боғлиқ:

Шунингдек, халқаро мавзудаги материалларда геосиёсат фанининг категорияларига: давлат (давлатнинг геосиёсий куч сифатида шаклланиши), куч марказлари (давлатнинг минтақа миқёсида ёки глобал кўринишида сиёсий, иқтисодий ва томонлардан имкониятларининг кенглиги), геосиёсий иттифоқлар, геосиёсий чизиқлар (масалан, жаҳон сиёсий

харитасидаги «нобарқарорлик ёй»лари, уларнинг йўналиши), геосиёсий минтақа, геостратегик минтақа ва бошқа масалаларга кўп эътибор берилмоқда.

Мазкур тушунча ўзининг географик жойлашуви, турмуш тарзи, характери, савдо ва маданий мафкуравий алоқалари орқали йўналиши билан хорижий давлатлар ташқи сиёсатида муносабатлар ўрнатиш учун устувор маконни ўзида ифодалайди .

Янги геосиёсий технологиялар ичида “паст даражали можаролар”, “рангли инқилоблар ” каби категориялар долзарблашмоқда. Улар геосиёсий курашда қарама-қаршиликнинг янги даражаларини белгилаб бераётир.

Геосиёсатдаги паст даражали можаролар стратегик уруш бўсағасидаги ҳарбий тўқнашув сифатида белгилаб берилиши мумкин. Бу ерда қарама-қарши томонларнинг асосий ҳарбий кучлари иштирок этмайди. Бундай конфликтлар макон ва замонда иккала томоннинг ҳудудида локал ҳарбий операциялари ва террористик актлар қўлланиши билан кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, “Рангли инқилоб” маконни бўлиб олишнинг янги геосиёсий сценарийси сифатида тилга олинмоқда, бунда сайлов технологиялари шоубизнес технологиялари билан уйғунлашиб кетади, натижада назорат ҳудудидаги ҳокимият тепасига тўлиқ бошқариладиган етакчи келиши кутилади. Бу ҳақда кейинги фаслларда кенгроқ баён этилади.

Воқеалар ривожини геосиёсат ва ОАВ йўналишида “рангли инқилоб”лар мавзуси алоҳида тадқиқотларни тақозо қилаётир. Кўриниб турибдики геосиёсат бетўхтов ривожланиш хусусияти эгадир. Шу тариқа у халқаро майдонда кучлар нисбатини ўз категориал тушунчаларида акс эттириб боради, бундан халқаро журналистика соҳаси ҳам хабардор бўлиб турмуш ахборот маконининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Геосиёсат функциялари

Геосиёсат фан сифатида Ўзбекистон манфаатлари мавзуси билан бевосита боғланган. Чунки, геосиёсат реал халқаро ҳаётдаги воқеа ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ифодаловчи қонуниятларни ўзига қамраб, борлиқдаги халқаро муносабатларни ўзида акс эттиради. Уларга боғлиқли тарзда жамиятда муайян функцияларни ҳам бажаради. Умуман геосиёсатнинг:

- *гносеологик;*
- *прогноз қилиш;*
- *бошқарув;*
- *мафкуравий каби асосий вазифалари мавжуд.*

Албатта, қайд қилинган вазифалар бошқа турдаги ижтимоий сиёсий фанларга ҳам хос бўлиши мумкин. Бироқ мазкур вазифалар геосиёсат фанида ўзига хос афзалликлари билан халқаро сиёсат борасида журналистик таҳлилларда муҳим аҳамията эга.

Гносеологик вазифаси. Барчамизга маълумки, билиш назарияси борлиқни унинг аниқ бир ҳолатлари, манбалари ва шаклларини ўрганишга йўналтирилган. Бу журналистик таҳлилларда гносеологик функциянинг давлат ва халқларнинг геосиёсий жойлашуви, турмуш тарзи ҳамда улар ҳаётининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш билан боғлиқликда акс этиши талаб этилади. Фаннинг гносеологик функцияси амалиёти ва геосиёсатнинг давлатлар ва халқлар турмушини ўрганишда қўллайдиган бир қатор, жумладан, таққослаш, эмпирик (тажриба қилиш) сингари услублари муҳим ўрин эгаллайди.

Башорат қилиш вазифаси. Геосиёсатнинг башорат қилиш функцияси бевосита гносеологик функция асосида шаклланадики, бу сиёсий журналистикада муҳим хусусияти ҳисобланади.

Зеро журналистик таҳлилда ҳар бир муаммонинг келажагидан башорат қилиш учун ўша муаммо биринчи навбатда жиддий тарихий-сиёсий жиҳатдан ўрганилмоғи лозим. Геосиёсий мақолаларнинг қанчалик чуқур ўрганилганлик даражаси журналист учун тегишли хулосаларни чиқариш ҳамда унинг келажакдаги кечмиши ҳақида ҳам муайян башоратларни айтиш имконини кучайтиради.

Башорат қилиш функциясининг аҳамияти геосиёсий тадқиқотларда қуйидаги жиҳатларни ўзида намоён этсагина, яъни:

- муаммога нисбатан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг қанчалик даражада илмий томондан исботланганлиги билан;
- билдирилган шарҳларнинг халқлар, давлат ва минтақаларнинг геосиёсий турмушига қанчалик даражада ўзгаришларни олиб келиши билан;
- башоратларнинг яқин ёки узоқ муддатга мўлжалланганлиги билан кучаяди.

Башорат қилиш — сиёсий воқеаларнинг ривожини ва кўринишлари, уларни амалга оширишининг муқобил йўллари ва муддатлари ҳақида илмий асосланган мулоҳазаларни ишлаб чиқиш жараёнлари, шунингдек, уларнинг ўша воқеликлар шароитида амалга ошириш учун аниқ тавсияларни бериш демакдир.

Башорат унинг бир қатор илмий, батартиблик, мувофиқлик, узлуксизлик, муқобиллик ва рентабеллик тамойиллари мавжуд. Табиийки, ушбу тамойиллар жамиятнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-сиёсий, сиёсий-мафкуравий ва ҳарбий-сиёсий доираларида, журналистик таҳлилларда қўл келиши мумкин.

Бундан ташқари, амалий жиҳатдан геосиёсатнинг башорат қилиш вазифаси қуйидаги босқичларда журналистик фаолиятга таъсир ўтказиб боради:

- Башорат қилишдан олдинги ҳолат;
- Маълумотларни йиғиш;
- Таянч андозаларни ишлаб чиқиш;
- Қидирув моделларини танлаш;
- Белгиланган (норматив) моделларни амалиётга тадбиқ этиш;

- Таҳлилнинг аниқлиги ва ишончилигини баҳолаш;
- Тавсияларни ишлаб чиқиш.

Бошқарув функцияси. Маълумки, ҳар қандай бошқарув янги-янги ахборотлар тизимига асосланади. Чунки бошқарувчи (ўз соҳаси ёки доирасида) барқарор фаолият олиб бориши учун ҳам (ўзига тегишли) ахборотларга эҳтиёж сезиб боради. Жумладан геосиёсатнинг бошқарув функцияси ҳам шунга асосланган. Бошқа соҳалардан фарқли тарзда, геосиёсат бошқарувга тегишли қарорлар ва тавсияларни бериш учун доимий равишда мавжуд ахборотларни (халқлар, давлатлар ва минтақалар ва б.) йиғиб боради ва таҳлил этади.

Мисол учун журналист ҳар қандай жараёнларда бошқаришга оид қарорларни чиқариш учун муаммоли ҳолатни атрофлича таҳлил қилмоғи жоиз. Демак, муаммога объектив баҳо бериш учун турли кучлар (субъектлар) ва омилларни ҳисобга олмоқ лозим (сиёсий, иқтисодий, географик ва б.). Субъектларнинг воқеага таъсир этиши даражаларини ўрганиш керак ва б.

Зотан, ҳозирги кунда макон учун олиб борилаётган ахборот урушларининг асосий ғояси – геосиёсий рақибларга олдиндан режалаштирилган ва дастурлаштирилган дунёнинг ахборий қиёфасини мажбуран сингдириш, шу туфайли унинг бошқарув тизимини бутунлай бошқаришга ҳаракатлар – жаҳон сиёсати йўналишидаги тадқиқотларни тубдан янгилаб боришни талаб этмоқда.

Қолаверса жаҳон сиёсатида совуқ уруш давридан бери янги геосиёсий эътиқод “Рақибнинг дунёқарашини англаш ва билиш объектив реалликдан муҳимроқдир” деган ғоя тинимсиз олдинга сурилиб келинди. Ҳар ҳолда яқин ўтмишда геосиёсат учун ер макони (борликнинг) картографияси муҳим омил бўлган бўлса, энди геосиёсатнинг асосий диққат марказини инсон қалби муаммоси эгаллай бошлади.

Қизиғи ва муҳими, ахборот инқилоби глобаллашув жараёнлари тараққиёти баробарида юз бермоқда. Бу, албатта, турли минтақа ва мамлакатлар ўртасидаги анъанавий тўсиқларнинг муайян даражада сидирилиб, ювилиб кетишига сабаб бўлаётир. Ҳар ҳолда учинчи минг йилликда халқаро хавфсизликнинг барча асосий параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан қуролланиш пойгасини тўхтатиш каби омилларга боғлиқ бўлган бўлса, эндиликда “ноанъанавий” таҳдидлар билан курашиш биринчи ўринга чиқди¹. Агар ўтмишда стратегик жиҳатдан жойларда разведка ва контрразведка устуворлик қилган бўлса, эндиликда уларнинг ўрнини ахборот оқимларини таҳлил қилиш омили эгаллади. Улар орасидан агрессив - бузғунчи ахборот йўналишларини белгилаб олиб олиш, ўз вақтида фош қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

¹ Халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, ноқонуний миграция, ахборий диверсиялар шулар жумласига киритилмоқда.

Журналистика оламидаги янги воқеликлар геосиёсатчилар олдида янги ноанъанавий муаммони кўндаланг қўя бошлади: бу ахборий хуружнинг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги ролини таҳлил қилиш муаммосидир. Бинобарин бугунги кунга келиб айна ахборий таъсир ва таъйиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали – миллий менталитет, миллий маданият, одамларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасини ўзгартириб ташлаш қудратига эга бўлмоқда.

Иккинчидан, миллий психология ва тафаккур қиёфасининг ўзга кучлар томонидан ўзгартирилиши глобал таҳдид даражасига етди. Шундай қилиб, ахборот маконидаги маънавий-маданий муаммолар абстракт назарий эмас, балки геосиёсий моҳият касб этмоқда. Тажовузкор ғояларнинг ҳудудий чегарадан четлаб ўтиб, оммани бошқара оладиган ахборот технологияларининг вужудга келиши ҳарбий ҳаракатлар театрини турли тамаддунларнинг миллий-тарихий, руҳий-маданий оламига таҳдид қилиши билан кўзга ташланмоқда.

Инсон-цивилизация-маданият тушунчалари доирасидаги ўзликдан воз кечиш истаги етакчи давлатлар мураккаб ахборот тизимларининг мажбурий элементи сифатида киритилмоқда. Мақсадли ахборот таъсири орқали миллий ўзликдан воз кечтириш механизмини ишга тушириш йўлига ўтилди, бунда махфий дастурларнинг сингдирилишидан усталик билан фойдаланилмоқда.

Бугун интернет, оммавий ахборот коммуникациялари, рекламадан иборат бўлган замонавий ахборот макони – бу ахборот орқали бошқариладиган яхлит бир дунёга айланди.

XXI асрда “кўзга кўринмас” ахборий таъсир қилиш геосиёсий қарашларни қай даражада ўзгартириши мумкин?

Ҳозирги пайтда бошқа давлат ва кучларга таъсир ўтказишнинг барча инструментларидан фойдаланиш асосий мақсад сифатида етакчи давлатлар томонидан олдинга сурилмоқда. Глобал лидерликка интилиш ёки улар томонидан белгиланаётган кадриятларни қабул қилиш, “демократия экспорти” – ғарбона демократик идеал ва кадриятларни сингдира бориш, либерал демократияни тарқатиш туфайли ғарбона кадриятлар қувватининг ошириш каби тушунчалар журналистик таҳлилларнинг диққат марказидан ўрин эгаллади. Яъни, дунё журналистикаси геосиёсий курашнинг виртуал майдонига айланиб улгурди. У бир кўринишда беозордек туюласа-да, аслида шафқатсиз ва аёвсиз феномен тусини олди. Бугун оммавий ахборот воситаларида “Ёвузлик ўқи” деб сингдирилган қатор-қатор давлатлар беқарорлик, ёвузлик, камбағаллик, ночорлик ўчоғига айланаётганлиги – таассуфки, навбатдаги “антитеррор гуманитар операцияларни натижаларидан равшанлашиб бормоқда.

Учинчидан, ахборот маконидаги геосиёсий ғоя ва қарашларнинг таҳлили одатдаги сиёсий таҳлилларга нисбатан ўзига хос динамик ёндошувларни талаб этиши сезилмоқда. Бунда ахборот маконида ҳақиқатни ёлғондан фарқлай олиш учун геосиёсий ғояларнинг тўқнашуви бўладиган “куч майдонлари”ни доимий равишда кузатиш талаб қилинади. Уларнинг

кутилмаган вазиятларда бир-бирига қарши босимини англаш кўп жиҳатдан геосиёсий башоратларимизда асқотади. Жумладан, бу ерда жаҳон ахборот маконида кучлар нисбатини билиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Виртуал кураш натижалари кўпинча шу нисбатга боғлиқ бўлиб қолаётир.

Бугун геосиёсатнинг ахборот концепциялари шуни англашмоқдаки, давлатлар ўртасидаги маконий муносабатлар эндиликда виртуал макондаги ахборот устунлиги билан белгиланиб боради. Айни шу маънода геосиёсий стратегияни ишлаб чиқиш ахборий-мафкуравий устунликка асосланган оператив концепцияни яратиш билан намоён бўлади..

Шу тариқа халқаро сиёсатда мустақил давлатларнинг куч-қудратини ахборот технологиялари ёрдамида ўстириш, бу борада барча имкониятлардан самарали фойдаланиш амалиёти ҳақида баҳс-мунозаралар кўпайди. Албатта бу ҳолат курашнинг реал макондан виртуал маконга ўтишини қизғин босқичга олиб келмоқда. Аслида бу ХХІ аср сиёсат оламидаги ўзига хос геосиёсий инқилоб эди. Бугун эса уни геосиёсат ва журналистика фанлари уйғунлигида англаш ва билиш, тафаккур қилиш вақти етиб келди. Жаҳон геосиёсий саҳналаридаги рақобат шуни талаб этади. Биринчи навбатда табиий энергия ресурслари учун бўлаётган кураш унинг ахборий таъминотида янгидан-янги сценарийларни олдинга суриши аниқланди: гоҳида зимдан, гоҳида ошқора очик ойдин олдинга сурилаётган геосиёсий мақсадларнинг мағзи буни тасдиқлаб турибди. Демак дунёга ким устунлик қилади деган масала айни етакчи давлатлар ахборот сиёсатининг устувор вазифасига айланиб улгурди. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг самарали ва арзон воситаси яна бир бор ахборот институтларига бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган сиёсий аксиомага айланди.

Албатта, бундай қарашлар мустақиллик, миллий ва давлат манфаатлари борасидаги қизғин, баҳсталаб концепцияларни ривожлантиришга, геосиёсат ва журналистика ҳақидаги илмий назарий тасаввурларимизни кенгайтириб боришга чорлаши жоиз.

Оммавий ахборот воситалари янги геосиёсий актор.

Геосиёсий конфликтлар тарихидан геосиёсий манфаатлар тўқнашувида журналистика институти ҳеч қачон тўлиқ мустақил бўла олмаслигини тасдиқлади. Уларнинг қарамлик даражаси эса назорат қилувчи муайян халқаро корпорация, саноат ва молия гуруҳлари, жумладан, турли давлатлар, сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг сиёсий жиҳатдан назоратига боғлиқ ҳолда ўз ечимини топмоқда. Яна бир томони, бундай пайтда ОАВдан кўпроқ фойда олиш айни етакчи давлатлардаги матбуот эркинлигининг даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Кундан-кунга замонавий коммуникация воситаларининг ривожланиши билан уларнинг фаолиятини назорат қилиш қийинлашиб бораверади. Шунингдек бугун ривожланган давлатларнинг ҳар қандай фуқароси теле-радио каналлар, интернет тармоғи ва бошқа ахборот манбаларидан турли хил ахборотни олиш ҳуқуқи ва имкониятига эга. *Ҳозир ОАВнинг геосиёсий манфаатларни олдинга*

сурилишидаги ролини ойдинлаштириши масаласи жиддий тус олган давр. У мазкур масалада ҳам геосиёсий таҳлилларнинг заруриятини тасдиқлайди.

Бугун оммавий ахборот воситаларидан у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга тўғридан-тўғри таъсир қилиш имкониятидан фойдаланиш йўлига ўтилган. Албатта шундай пайтда у сиёсатнинг муҳим бир элементи сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан ОАВ у ёки бу давлатлар ҳақида ҳудудий тасаввурларни ривожлантириши, кайфиятларни ўзгартириб туриши, аҳолининг кенг қатламида тарқала олиш имкониятига эгаллиги билан геосиёсий тасаввурларимиз ҳам ўзгариб бориши мумкин.

ОАВнинг бу имконияти ижтимоий фикрнинг шакллантиришида жуда қўл келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у геосиёсий ўйинчиларнинг ўйинчоғига айланиши ҳеч гап эмас. Бу жараёнда трансмиллий корпорациялар, диний ташкилотлар каби бошқа турли акторларнинг тенг иштирок этишига интилиши сезилмоқда. Шу тариқа, ҳозир турфа хил мафкураларни тарқатиши ОАВнинг биринчи даражали вазифалари жумласига киради. Натижада , тарқатилган ахборот газета-журнал, радио-телевидение, аудио-видео кассеталар ва интернет тармоғи орқали белгиланган геосиёсий вазифаларни бажара бошлайди.

Истиқболда шу тариқа ОАВ узоқ вақт турли хил геосиёсий мақсадларни илгари суришда муҳим иштирокчи бўлиши кутилмоқда. Бу замонавий геосиёсий мактаблар олдида маърифатли жамиятга мос келувчи геосиёсатнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳам долзарблаштиради. Бу ҳолатда оммавий ахборот воситаларида, айниқса телевидениенинг геосиёсий жараёнларга тўғридан- тўғри таъсир ўтказишини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Телевидение бугунги замонавий жамиятда сиёсий мададни таъминлаш учун асосий ва қудратли восита вазифасини ўтамоқда, улар сиёсий компанияларни ташкил қилувчи қуйидаги сифатларга эга, яъни¹:

- сиёсий маълумотларни зудлик билан чекланмаган ҳажмда етказа олиш қобилияти;

- сиёсий маълумотни ҳар қандай инсонга мос равишда, унинг уйига ҳеч қандай махсус ва кўзланган сарф ҳаражатларсиз ўзлаштиришни талаб қилмайдиган тезкор шаклига эга.

Бугунги сиёсий жараённинг асосий иштирокчилари сиёсий онгининг шаклланишида телевидениенинг етакчи роли – аудиовизион характерга эга бўлувчи замонавий инсон маданиятининг хусусиятлари билан белгиланади. Телевидение маълумотларнинг асосий қисмини аудиовизуул функцияси орқали қабул қилиши билан жамият сиёсий дунёқарашида етакчи роль ўйнамоқда.

Геосиёсатга оид материалларнинг журнал ва газеталарда эълон қилина боиланиши эса ахборий жамиятга тааллуқли бўлган янги мезонларни геосиёсатга киритишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси ахборий тизимлар

¹ Қаранг. А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 229-бет.

Ўртасида геополитик жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи воситалар ичидаги оммавий ахборот воситаларидан телевидениенинг ахамиятини алоҳида кучайиб боришини тасдиқлайди.

Қолаверса, замонавий сиёсий психология замонавий жамиятда рационал ёндошувлар эмас, балки "образ" ("имидж") ёрқинлиги асосий роль ўйнашини исботлади. Бугун жамият аксарият қисмининг сиёсий, мафкуравий ва геосиёсий қарашларининг телекоммуникация ёрдамида шакллантиришга зўр берилаётганлиги бежиз эмас. Ҳар ҳолда медиа "образ" этник, маданий, мафкуравий, сиёсий ёндошувлар асосидаги синтез маҳсули дея эътироф этилмоқда. Ўз навбатида, жамиятдаги маълумотларнинг турфа хиллиги ҳам уларнинг сиёсий ҳаётга сингиб кетишига таъсир қилувчи шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғланган. Бундай пайтда ҳаққонийликка мос келувчи ҳамда турфа хил маълумотлар шахснинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги фаолиятининг фаоллашувига кучли таъсир ўтказди, одамларнинг мустақиллик даражасини ўстиради. Шу билан бирга, замонавий журналистикада техниканинг мукамаллашиб бориши маълумот тарқатишининг тезлигини мутлақ оширди, қисқа муддатда одамларнинг йирик оммасини қамраб олиш қобилиятини кучайтирди¹.

Шу тариқа, ахборот инқилоби янги ахборий парадигмаларни геосиёсатда шакллантира бошлади. Унинг марказидаги ахборот зоясига замонавий геосиёсат динамикасининг асосий омили сифатида қарала бошланди.

Бугун ахборот технологиялари босими остида геосиёсий ҳукмронликнинг методлари, сиёсий макон ва замоннинг динамикаси ҳам ўзгара бошлади. Айниқса бундай маҳалда геосиёсатнинг янги ўлчови бўлмиш виртуал ахборий макон катта рол ўйнай бошладикки, бунда ахборий технологиялар ёрдамида геосиёсий курашнинг янги шакллари авжга чиқди. Буларнинг барчаси, геосиёсатдаги замонавий ахборий парадигмалар ёрдамида қуйидагиларни билишни кўзда тутди:

- дунёдаги геосиёсий трансформацияни шундай таърифлашни ташиқил қилиш керакки, унинг истиқболини аниқ тасаввур қила олинсин ;

- глобал геосиёсий эвришишларнинг сабабларини тушунтириб бера олиш, келажакнинг воқеаликлари қачон, қаерда ва қандай шаклда бўлишини башорат қилишга имконият яратилсин .

Бугунги куннинг геосиёсий манзараси ўзининг мураккаблиги, глобал жараёнларнинг виртуаллиги билан белгиланаётганлигини айтиб ўтдик. Бу ҳолат геосиёсий бошбошдоқлик категориясидан геосиёсатчиларга жаҳон сиёсатининг мураккабликларига баҳо беришда қўл келмоқда. Геосиёсат ва журналистика фанини чуқур ўзлаштириш эса геосиёсатдаги ахборий парадигмалар доирасида макон устидан назорат ўрнатишнинг кўпгина муаммоларига доир мустақил илмий позицияни кучайтиришга олиб келиши мумкин. Бу сўзсиз ахборот инқилобидаги сиёсий макон ва замон

¹ А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 149-бет.

тушунчасининг классик таърифига жиддий ўзгартиришлар олиб киришдан бошланади. Шу тарзда бир қатор геосиёсий муаммолар журналистик таҳлилларда ўз аксини топади. Ўта мураккаб замонавий муаммолар қаторига сиёсий маконнинг сифати ва тузилмасидаги ўзгаришларни англаш муаммоси кириб келди.

Шундай қилиб ахборот тўлқинларини бошқариш постклассик геосиёсатдаги ҳокимиятнинг асосий дастагига айланади. У борган сайин виртуал шаклга эга бўлмоқда. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ўтмишда геосиёсатни назорат қилиб борган эски халқаро институтларнинг парчаланишига олиб келмоқда, янгидан-янги мажаро ва қарама-қаршиликларнинг авж олишига ўз таъсирини ўтказиб бормоқда. Сиёсий вақтнинг тезлиги деган тушунча пайдо бўлди. Виртуал дунёни ўзлаштириш айна сиёсий вақтнинг тезлигидан келиб чиқади.

Бугун компьютер мониторлари ва телевизор экранларидаги ахборот майдонларидаги буюк ўзгаришлар классик геосиёсатдаги макон тушунчасига қайта ишлов бериши билан барабар кудратга эгадир. Геосиёсат ва ОАВнинг ўзаро муносабатлари янги минг йилликда давлатлар ўртасидаги маконий муносабатларнинг виртуал маконда ахборий устунликни таъминлай олиши билан белгиланмоқда. Алал оқибат ахборот маконида маданиятнинг стратегик геосиёсий аҳамиятга эга бўлишига олиб келади. Ижтимоий-маданий омиллар аввало инсон фаоллиги ҳисобига белгиланиши аниқланди. Шу сабабли геосиёсат ва журналистика фани айна инсон дунёқарашини нишонга олиши билан эътиборли.

Бугун геосиёсат ва журналистиканинг марказий муаммоси – ахборий жамиятдаги инсоннинг сиёсий менталитетини ўзгартиришга таъсир ўтказиши.

Аслида энг асосий ахборот инқилоби оммавий ахборот воситаларидан ташқарида юз берди. Бугун у ахборий-психологик қуролнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, одамларнинг руҳияти ва маънавий қиёфасига самарали таъсир қилишга қодир. У ҳозирги Украина, Афғон ва Яқин Шарқ дунёсидаги ҳарбий-геосиёсий можароларнинг журналистик таҳлилларида аниқроқ кўзга ташланмоқда.

Буларнинг барчаси таҳлиллар орқали геосиёсий маконни назорат қилишга доир механизмларни тадқиқ этиш – геосиёсатнинг асосий вазифалари эканлигини тасдиқлайди. Геосиёсат ва журналистика соҳасининг зарурати айна шу ҳолатлар билан ифодаланади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. . “Кўзга кўринмас” ахборий таъсир қилиш геосиёсий қарашларни қай даражада ўзгартириши мумкин?

2. Ахборий парадигмалар ёрдамида бугунги куннинг геосиёсий манзараси қандай таърифланади?

3. ОАВ орқали геомафқуравий мақсадларни олдинга суришнинг моҳиятини тушунтириб беринг.

2-МАВЗУ: Афғонистон халқаро муносабатлар тизимида. Жанубий, Марказий ва Жануби - Шарқий Осиёда экспансиянинг замонавий жараёнлари. Ўзбекистон Республикасининг Покистон ва Ҳиндистон билан икки томонлама алоқалари. Эрон ва унинг Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазиятга таъсири

Режа:

1. Мавзуни ёритишда давлат ахборот хавфсизлиги: ахборий стратегияда замонавийлик ва тарихийлик
2. Мавзуни ёритишда геосиёсий мунозара муаммоси

Таянч сўзлар: ахборот хавфсизлиги, мафқуравий таҳдид, ахборот маконидаги геосиёсий рақобат, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборий таҳдидлар.

1.ДАВЛАТ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ: АХБОРИЙ СТРАТЕГИЯДА ЗАМОНАВИЙЛИК ВА ТАРИХИЙЛИК

Бирор халқни ўзига тобе қилиш учун қўлга қурол олиб жанг олиб бориш эмас, балки бундан ҳам осонроқ йўллар орқали эришиш геомафқуравий воситаларда кучли намоён бўлганини таъкидладик. Зеро ҳар бир суверен давлат ўзининг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва ахборот маконидаги хавфсизлигини мустақкам таъминлаши давлат мустақиллигининг муҳим таянчи ҳисобланади.

Бугун ахборот маконидаги геосиёсий рақобат ахборот хавфсизлигини таъминлашни жуда долзарблаштириб юбормоқда.

Аслида, давлат ахборот хавфсизлиги эса барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланганлик даражасига боғлиқ жараёндир. Бунда асосий ва зарурий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, фан-техника, таълим-тарбия, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборий таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотларни ноқонуний йўллар билан олишни баратараф этишнинг қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши мақсад қилиб белгиланади. Ахборот хавфсизлиги айна ахборий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш йўлидаги давлат тадбирларининг яхлит тизимини ташкил қилиб бормоқда.

Бугун ахборот хавфсизлиги орқали "ўз эркинлиги" ниқоби остида жамиятимизнинг маданият, таълим, маънавий қадриятлар тизимида четдан ёт

ғоялар тарзида ахборий оқимларнинг кириб келиши, давлат манфаатига ҳамда суверинететлигига путур етказишнинг олдини олиш механизм зарурати ҳақида тадқиқотларимизда ўзига хос жонланиш юзага келган.

Айтиш жоизки, ахборий хавфсизлик харбий хавфсизликнинг компоненти сифатида ҳам ишлатилиб, харбий соҳадаги ахборий ресурслар, каналлар, билимлар ва маълумотлар базасининг мавжудлиги, уларнинг асосида ахборотларни қайта ишланиши, сақланиши ва қўлланилишидаги хавфсизликни англамоқда.

Шундан келиб чиқиб таҳлиллар бугунги ахборот сиёсатининг усул ва шаклларида умумий тамойиллардан фойдаланишнинг самараси тўғрисида кўпроқ бош қотириш даври келганлигини қайд қилишмоқда. Бундай шароитда давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хусусиятларини, асосий омилларини, айниқса, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг давлат бошқарув методлари ва шакллари ҳақида умумий билимга эга бўлиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ахборий-мафкуравий жиҳатларидан етарли фойдаланиш бўйича тажриба ва малакага эга бўлиш ёшлар тафаккурига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Масаланинг яна бир томони бугун Ўзбекистонда турли ахборот хуружига қарши тура оладиган давлатнинг самарали тизимини янада такомиллаштириш йўлига ўтилди. Зеро, шундай муносабат орқалигина жамиятни салбий ахборий- мафкуравий хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш ҳисси фазилат сифатида ёшларда шакллана бошлайди. Маълумки, мафкуравий таъсир жамият учун янгидан янги таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, мафкуравий таҳдид қанча кўп бўлса, жамиятда кўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўп бўлади. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий цивилизация шароитида ахборотнинг глобаллашуви, ахборот глобаллашуви тенденциялари ва моҳиятини таҳлил қилиш зарурияти, хусусан ахборот хуружларининг вужудга келиши ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг жиддий тус олиши - Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим компоненти эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Воқеалар ривожини журналистлар қатлами учун давлат ахборот сиёсатида шахс хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон ахборот инфраструктурасини тўлақонли ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, Ўзбекистон давлатининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат ички ва ташқи сиёсатининг стратегик вазифаларини тушунтириб бориш, ёш журналистларнинг ахборот олиш ва ундан фойдаланишида жамиятнинг маънавий қадриятларини, илмий ва маданий салоҳиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим жараён эканлигини исботлади.

Кейинги пайтларда журналистика олами геосиёсий таҳлилларида ахборот куроли тўғрисидаги мунозараларнинг кўпайганлигини қайд қилмоқда. Кўпчилик экспертлар эса ахборот куролини ахборотни ўғирлаш, йўқ қилиш, ахборотни ўзгартириш воситаси сифатида белгиламоқда. Шунингдек, муайян фойдаланувчиларни хатти ҳаракатларини чегараловчи, техник яъни компьютер тизимларини қайта ўзгартирувчи воситаларига ҳам ахборот куроли сифатида қаралмоқда.

Маълумки иккинчи жаҳон уруши якун топгач, жаҳон сиёсати иккита буюк давлатнинг таъсирида қола бошлади. Асосан СССР бошчилигида социалистик йўналишдаги (Варшава шартномасига аъзо мамлакатлар) ва АҚШ етакчилигидаги бозор иқтисодиёти ривожланишидаги ёки (Шимолий Атлантика иттифоқига (НАТО)) аъзо мамлакатлардан иборат блоklar вужудга келган эди.

СССР ва АҚШ бу рақобатда қуролланиш пойгасига шундай зўр беришдики, натижада улар яратган оммавий қирғин қуроллари захираси сайёрамизни бир неча баробар йўқ қилишга етадиган миқдорда ишлаб чиқарилди. Бу зиддиятли ва кескинликларга бой давр тарихга "совуқ уруш" (XX асрнинг асосан 50-90 йиллар) номи билан киритилди. Иккала мамлакат сиёсий элитаси, бундай аслаҳалар билан янгидан дунёни бўлиб олиш сиёсатини амалга ошириш учун бири-бири билан бевосита харбий тўқнашувлар бутун инсониятнинг йўқ бўлиб кетишига олиб боришини тушундилар. Улар ўзларининг таъсир доираси кенгайтириш учун, бир-бирларининг чегараларига яқин жойдаги минтақаларда ҳамда геосиёсий нуктаи назардан муҳим бўлган ҳудудларда учинчи кучлар оркали беллаша бошладилар.

Шу билан бирга Евроосиёда якка ҳукмронликка тўсқинлик қилиши мумкин бўлган, эски рақибларини бутунлай парчалаб, майда бўлақларга бўлиниб кетиши учун барча махфий ва ошқора чораларни кўриб борилди. Зеро: Ким Шарқий Европани бошқарса, у замин Юраги эгасидир, Ким замин Юрагини бошқарса, Дунё Оролининг эгасидир, Ким Дунё Оролини бошқарса, жаҳон эгасидир, деган Хальфред Маккиндернинг машҳур "фаннинг ўзаги" номли ибораси бу геосиёсатнинг асосини ташкил қиларди.

Бундай геосиёсий комбинацияларни амалга оширишнинг энг осон йўли ахборот урушлари туфайли қидирила бошланди.

Айниқса давлат ахборот хавфсизлиги турли "инкилоблар"ни моҳиятини тушуниш ва кўра олиш, жамият негизидаги пишиб етилган келишмовчилик, зиддиятларгагина эмас, балки унинг маданияти, мафкураси ва омма онги соҳаси бўлмиш жамиятнинг аниқ мақсадли ва содир бўлаётган асабийлашиш ҳолатини ҳосил қилиш жараёнларини ҳам ахборот оқимида ҳисобга олиш зарур.

Демак, геосиёсий хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик сиёсати, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етмоқдамиз.

Замонавий ахборий урушларда ўз турмуш тарзини кўз-кўз қилиш асосий йўналиш сифатида қолаётганлиги хисобга оладиган бўлсак, ахборот курулини бундай қисқа тушуниш унинг барча ахборий воситаларини тасаввур қилишга имкониятни камайтиради. Шунинг учун ахборий курулни қисқача қилиб рақибнинг менталитети ва ахборий тизимига вайронакор таъсир қилувчи ахборот ва ахборот технологияларидан фойдаланиш тизимига доир тушунчалар қамраб олади.

Ахборот орқали кўққисдан зарба бериш самараси етакчи давлатлар глобал ахборий лидерлик концепциясининг мазмунини ташкил қилаётган, бунга ўхшаш стратегия ўтган аср 90 йилларининг бошида юзага келди. Кўпроқ қатор давлатларнинг хатти ҳаракатлари етакчи давлат раҳбарлари томонидан илгари сурилган форматга йўналтирилмоқда.

Ахборот урушининг асосий тамойилларидан бири шуки, у тажовузкор тўхтовсиз тарзда ахборот маконини назорат қилишга интилади, у шаклланган қоида ва ахлоқий нормалардан айланиб, онгли равишда барча ижтимоий чекловлар ва ахлоқий қарашларни чилпарчинга айлантди. Яна бундай ОАВ фақат бир томонлама фактларга диққат эътиборни қаратмоқда, таниқли сиёсатчиларга тегишли тажовузкор маълумотларни тарқата бошлаб, жанжалли, шов-шув суриштирувлар ўтказди, онгли равишда ахборотни сохталаштира бошлайди.

Мақсад бундай ҳаракатлар туфайли инсон онгининг фаоллаштириш, оломон психологиясини бошқарувчи асос яратиш, одамларнинг ҳиссиётини манипуляция қилувчи механизмни ишга солишдир.

Айни пайтда ахборот урушининг стратегияси рақибнинг ахборий ҳаракатларига қаршилик ўрнатишни ташкил қилиш, жумладан алтернатив ахборот тарқатишни қатъий таъқиқлашни кўзда тутди. Давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашда ўз турмуш тарзини ташвиқот қилиш рақибнинг қадриятлар тизимини обрўсизлантириш, миллий ўзликни бадном қилиш механизминини сездирмасдан ва осон йўлга қўйиш хусусиятини хисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Зотан, ахборий стратегия қуйидаги шаклида намоён бўлмоқда:

- ижтимоий тузумнинг барча асосий атрибутларини обрўсизлантириш – уни бошқарув тизимини ишлаб чиқариш;
- иқтисодий таназулга олиб келувчи механизмларни ишга солиш – халқаро институтлар ва “ёрдам” шаклидаги молиявий дастурлар орқали иқтисодий бошқарув тизимини яратиш;
- ОАВ орқали босим ташвиқотлар туфайли янги қадриятлар тизимини аҳоли турмуш тарзига олиб кириш;
- ҳар қандай муҳолифотни қўллаб қувватлаш, сиёсий элитани ўз томонига ағдариш, аҳолини бир-бирига адоватда бўлган гуруҳларга бўлиб юбориш, бошбошдоқли ва фуқаролар уруши аҳволига олиб келиш;
- агрессор образини “мамлакатни тоталитар ҳаёт шакли асоратларини кутқарувчи” сифатида хаспўшлаш.

Табийки бу ўринда ахборий урушда ғолиб бўлиш мумкинми деган савол туғилади? Бундай урушда кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича қайси дастур кучли бўлса шу томон ғолиб бўлиши керак. Аммо ахборот урушида авваламбор одамларнинг онги ва қалби учун кураш олиб борилади.

Бутун инсонларнинг ақл-заковатини назорат қилиш туфайли глобал назорат - бу ахборот урушининг асосий мақсадига айланди. Ахборот урушида кимки босимни кучайтириб, бетўхтов ҳужумда бўлса ғалабага келиши мумкин деган қарашлар ахборот хавфизлигини таъминловчи муҳим геосиёсий хулосалардан бирига айланди.

Тарихдан маълумки, СССР даврида энг қудратли коммунистик ташвиқот тизими яратилиб, у ҳар қайси одамга монопол таъсир қила олиш қудратига эга эди. Аммо мазкур оммавийлашган ташвиқот жамиятнинг коммунистик шиорларга нисбатан халқ аскияларида ўзига хос қаршиликка учраган. Бошқача сўз билан айтганда тизим “қизиб кетди”, ўзига қарши ишлай бошлади, ичидан емирилиш бошланди. Тажовузкор, тоталитар мафкураларнинг изи ўзи қаердан? Миллат руҳиятини ўтмишда асир олиш нимани англатади?

Биз бугунги кунни ҳис қилишда, ўзбек феъл-атворида навқиронлик бахш эта оладиган миллий ғоя тўғрисида бекорга жон куйдираётганимиз йўқ. Аслида у йўналтирувчи куч сифатида ҳеч биримизни тарк этмаслиги ва давр билан ҳамоҳанг бўлишини таъминлашда миллий журналистиканинг ҳиссаси катта..

...Чунки ҳар қандай жамият, миллат, халқнинг равнақ топишида у яшаган давр, макон ва замонда юзага келган турли ҳолатлар асосий роль ўйнайди. Уларни тарихий-сиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш давлат ахборот хавфсизлигининг маънавий негизларини ташкил қилади.

Ахборот асри ўзбекларнинг тафаккур тарзи, миллат характерини ислоҳ қилиш каби масалаларни ҳисобга олиш лозимлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Ушбу концепциянинг ижобий мазмунини аниқлаш имкониятини берадиган объектив, тарихий мезонлари мавжуд. Улар ижтимоий илмий техник тараққиётга хизмат қилиши ёки, аксинча тўсиқ бўлиши жиҳатига кўра илмий ёки ғайри илмий бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилишимиз.

Бундай пайтда илмий ёндошув тоталитар тузумлар ва уларнинг мафкураси моҳиятини тушунишни, тарих қандай содир этилган бўлса, худди шундай илмий ўрганишни ва ундан келажак учун тўғри хулоса чиқаришни талаб қилади. XX аср да бўлиб ўтган урушлар ҳарбий конфликтлар, маҳаллий низоларлар, жумладан иккинчи жаҳон уруши ғалабасидан кейин бўлиб ўтган 1945-1946 йиллардаги Нюрнберг процессининг таҳлили асосий айбдорлар устидан бўлган ушбу суд жараёнидаги баъзи фикрлар, айбловларга қайта муурожаат қилиш, бугунги кун ўзбек халқи менталитетига хос маънавиятни шакллантирувчи муқаддас хотира хусусида тушунчамизни имкон қадар тўлдиради.

...1946 йилнинг 28-29 августда Нюрнбергда Буюк Британиянинг бош айблов чиси муовини Дэвид Максвелл Файфнинг маърузаси шу гаплар билан

бошланган эди: “Биз энди национал социализм немис халқига қандай раҳбарият инъом этганига амин бўлдик. Биз энди қай тарзда ва қай мақсадлар учун нацистлар партияси олмон халқини дунёда урушлар ва қотилликлар эвазига сафарбар қила олди, бутун Германиянинг нацизмга тўлиқ таслим бўлди. Нацистлар партияси ва ҳукумати томонидан амалга оширилган чоратадбирлари туфайли бутун бир халқни маънавий ва жисмоний таслим бўлишига олиб келгувчи, ҳарбий тажовузга тайёр бўлган, фанатик миршаблик давлатини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Бошқарувнинг тезлиги, чакув системасининг мамлакатдаги фикр ва сўз эркинлигини бўғишга тайёр ва ўргатилган кучлардан хорижда фойдаланиш каби ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган услубларсиз, тирания ривожланиши мумкин эмас. Яна такрорлашим мумкин, биз бутун немис халқини жиноятларда айбланиш мақсадимиз йўқ. Бизнинг мақсад халқни ҳимоя қилиш ва дунё олдида ўзини англаб, ўз дўстлари хурматига сазовор бўлишга имконият яратишдир. Гитлерга содиқ бўлган германияликлар орасида ўз қўллари билан кўплаб одамларни шаҳид қилган минглаб аёллар ва эркаклар бор эди. Ўз фюрерлари даъват қилган ёмонлик ва шафқатсизликка асосланган эътиқодга юз минглаб, йўқ, миллионлаб одамлар кўр-кўрона инонган эдилар”.

Бизнинг аждодларимиз яшаган қизил салтанатда бундай бўлмади дейсизми? Тарихчиларнинг таъкидлашича, ўша шармандали Риббентроп-Молотов пактининг имзоланишидан сўнг, дарҳол Сталин Гитлери хатто “ўрток Гитлер” деб таъкидлаган эди. Бу тарихий ҳужжатда иккита диктатор ўзаро келишиб, тактик ҳийла-найранглар орқали дунёга ҳукмдорлик қилишга интиланлар. Қизил империя асоратида бўлган Ўзбекистон шу мақсад йўлида ўзининг юзминг дан зиёд асл йигит-қизларидан айрилди. Қизил салтанатнинг дунёга ҳукмдор бўлишга интилиши, ўзбек диёридан олиб кетилган, беҳисоб олтин, пахта каби бойликлар ҳисобидан амалга ошиши лозим эди. Улар кучли тарихий илдизга эга бўлган халқимизни Совет машинаси орқали янчиб ташлашга зўр беришди. Бу баҳайбат аркон зудлик билан турли декретлар, қонунлар чиқариш орқали КПССнинг республикалардаги кўғирчоқ ҳукуматларни ярата олди. ОГПУ ва НКВД тизими орқали ҳар қандай фикр эркинлигига барҳам берилди. Гитлер Германиясидаги сингари чакув тизимининг вужудга келиши, турли хил “тройка” ва “Особое совешание” орқали репрессив тизимлар Ленин-Сталин бошчилигидаги Коммунистик партиянинг асосий қуролига айланди. Таассуфки, элимизнинг илғор зиёли қисми жумладан, мингдан зиёд мўътабар руҳонийлари қизил саланатнинг қурбонига айлади. Бериянинг концлагерларида шаҳид бўлдилар. Ҳокимиятнинг Компартия яккахокимлиги қўлига ўтиши натижасида фақат бу партияга мос келувчи қонунлар жорий қилинди.

Таҳлиллар биз яшаётган даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шу бўлса керакки, фақат ғалабалар устида айюҳаннос солиш эмас, балки атрофга, ўтмишимизга жиддий назар солиб, чуқур мушоҳада қилиш зарурати ҳақида гапиришни бошлади. Тарихнинг куч-қудрати уни фақат рақамларда

кўрсатибгина қолмасдан, унинг мантиғи, фалсафасини тушуниб етишга интилишда ҳис қилиниши лозим.

Лекин сўнги йилларда ҳокимиятга интилувчи фундаментализм намояндалари, авваламбор, инсоннинг эркинлигини бўғиб кўювчи, жамият устидан мутлақ назорат ўтказувчи бир фикрлик уруғини сочишга бошқа шаклда сезилди.

Аммо аждодларимиз сиёсатининг анъанавий қиёфаси ҳамиша адолатга, ҳалолликка, истиқлолга интилиши билан характерланиб келган. Унинг маҳаллий хусусиятида бу ҳолат кўпроқ босқинчилардан ўзини ҳимоя қилишда, маҳаллий низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда намоён бўлиб келди. Албатта, исломий қадриятларнинг тарихимизга ягона маънавий ва ғоявий куч ўзбек ерининг тили, ёзуви, моддий ва маънавий маданиятини сақловчи куч сифатида ижобий хизмат қилганлигини таъкидлаш зарур.

Аслида, ислом фундаментализмини келтириб чиқараётган, рағбатлантираётган сабаблардан бири “Мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми ва халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўравонлик, “парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил” қабилидаги сиёсатдир. Бунга кўшимча ўлароқ, иқтисодий камситишни, калондимоғликни ва бошқа маданиятнинг, бошқа цивилизациянинг, хусусан, кўп асрлик илдизларга эга, Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини чуқур тушунишни истамаслик кайфиятини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим” таъкидлайди .

Бизларни ташвишга солаётган ҳолатлардан асосийси, инсонни коммунистик манқуртлар шаклида узоқ йиллар мобайнида ўз исқанжасида тутиб келган тоталитар маъмурий буйруқбозлик тизими емирилгандан сўнг, шўро мафқурасининг салбий тажрибаси ва маънавий қашшоқлиги туфайли захм еган замондошларимизнинг дунёқараши, руҳияти, сиёсий онгидаги кемтик вакумни тўлдиришга ёт ғояларнинг муттасил киритилишига зўр берилди.

Яна бир томони, космик аср бўлмиш ўтган юз йилликда бетўхтов мудҳиш қон тўкилишларга, вайронликка олиб келувчи фанатик ғоялар, қуролланган нацистик большевистик тоталитар тузумлар асоратида диний фундаментализмнинг авж олиши юз берди. Миллат равнақи ғоясига умуман ёт бўлган мафқурани тикиштириш, миллат руҳиятини асир қилишга ҳаракати қалқиб чикди.

Аслида, маданий деградация, элитанинг маданий гедонизми, маънавий руҳий баркамолликни таъминлай олмаслик каби салбий ҳолатлар ҳар қандай давлат ахборот тизими тагига сув қуя бошлайди. Натижада турли маданий-ахборий технологиялар макон устидан назорат ўрнатишда энг қулай ва арзон восита сифатида миллатни маънавий сингдириш, ахлоқий бузиш ўз цивилизациясига нисбатан совуққонлик, лоқайдликни кучайтиришда асосий роль ўйнаши яққоллашди.

Ахборот хавфсизлиги тушунчаси нафақат давлатнииг ахборий ресурсларини, балки фуқароларининг ҳуқуқлари ва жамиятнинг барча структураларини ахборот маконидаги ҳимоясини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасинииг

ахборот хавфсизлиги деганда шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мувозанатлашган умуммиллий манфаатларни ахборот хавфсизлигининг химояланишига айтилмоқда.

Бугун бирор давлатнинг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги жамиятнинг таянч механизмлари бўлмиш иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар тақдири ахборот хавфсизликни таъминлашга бевосита боғлиқдир. Ахборот миллий стратегик ресурсларидан бири — мамлакатнинг бойликларидан бири ҳисобланмоқда. Жамиятнинг барча соҳаларини ахборотлаштириш, шу соҳанинг янада тараққий этишига катта замин яратмоқда. Лекин шу билан бир қаторда ахборот ижтимоий соҳалардаги жараёнларнинг самарали, кўзланган мақсадга етиб бориши учун ахборий таҳдидлар очикдан-очик тўсқинлик қилмоқда.

Зеро, айнан ахборот орқали бирор сиёсий гуруҳлар, партиялар, диний оқимлар, умуман муҳолиф кучлар ҳукуматга нисбатан муносабатни келтириб чиқариши мумкин. Шахс телевидение, радио, газета, журналлар, интернетдан жуда кўп маълумот олади ва ушбу маълумотлар унинг онг ва руҳиятига таъсир қилмай қўймайди. Кейинчалик шахс онгида тўпланган маълумотлар амалиёт сифатида юзага чиқа бошлайди.

Геосиёсий жиҳатдан ахборий хавфсизликка тизимли ёндошув, унинг субъекти, объекти, таъминот қилиш муаммолари, хавф-хатарларнинг манбаси ва ахборот оқимларнинг қайси томонга қараб кетаётганлигини аниқлашни талаб қилади.

Чунки, ахборий хавф барча давлатлар миллий хавфсизлигига дахл қилиш жараёнлари кузатилмоқда. Айниқса сўнгги йилларда Европа оммавий ахборот воситаларида чоп этилган диний мавзудаги "Карикатура"лар ислом оламида мусулмон дунёсида антисиметизм, миллатчилик, диний хурофот, халқаро иқтисодий, сиёсий муносабатларни издан чиқарувчи жуда катта тўлқинни вужудга келтирди. Миллатлараро тотувлик ва тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қилишини ислом дунёси билан боғлиқ репортажлардан амин бўлдик.

Иккинчидан, ахборот уруши бирор давлатнинг ички, ташқи ишларига аралашуви натижасида мамлакатнинг барча соҳаларида беқарорликни вужудга келтириб, кўп миллатли халқлар ўртасида низо, можароларни келтириб чиқарди. Бундай ҳолатларни собиқ Югославия ва Ироқ давлатлари мисолида кўп кузатилди.

Геосиёсий амалиётда ахборий қуролга эгалик қилиш ва ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, ҳарбий стратегияларни ҳам тубдан ўзгартириб юбориш қудратига эга. Бирор давлатга нисбатан сиёсий босим ўтказиш учун аввало шу давлатга нисбатан ахборий ҳужум уюштириш тактиканинг ўзига хос ифодаси сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Ахборий қуроллар орқали сиёсий шантаж амалиётига зўр берилмоқда. Натижада, давлат ахборий хуруж уюштирувчиларга сиёсий-иқтисодий томондан қарам бўлиб қолади. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, диний салоҳияти жиҳатидан турли даражада ривожланган жаҳон - халқлари

ва давлатлари ўртасидаги рақобатда геосиёсий ва ахборий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур қарашлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятнинг сиёсий жараёнларига, ҳокимиятнинг фаолият кўрсатиш механизми ва бошқа соҳаларни ёритиб бориш вазифаларига эътибор кучайтиришни тақозо қилади. Жамиятда доимий равишда янгидан янги ахборот технологиялари, воситалар, структураларга бўлган интилиш кучайиб бормоқда.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солаётган "кибертерроризм" ахборий қурооллар таъсир доираси кенгайтириб юборди. Кибертерроризмни амалга оширувчилар хаккерлар, троянлар, вируслар ҳисобланса, ахборий қуроолларга эса, кишилиқ жамиятида давлат тузуми, сиёсати, бошқаруви ва бошқа жараёнларга четдан салбий таъсир кўрсатиб, фуқароларда давлатга, жамиятга ва умуман барча жараёнларга норозилик кайфияти, ҳатто агрессияни келтириб чиқариш хусусияти билан намоён бўлмоқда.

Бугун ахборий қурооллар бирор халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти, дини ва давлатнинг ахборот-технологик, ҳарбий инфро тузилмаларига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизимидир.

Ахборот қуроолининг устунлик томонларини бу тарзда баён қилиниши бежиз эмас. Масалан, бир маълумотни ресурсларининг кўплиги, таъсир килувчи манбага тез суръатда акс таъсир кўрсатиши, маълумотлардан тез нусха олиш, манбаларни излаб топиш, қайта ишлаш, жуда муҳимлиги, катта тезликда узок масофага узатиш, ахборот ташувчиларни кўплиги билан ахборий қуроол улкан устунликка эга бўлади.

Бундан ташқари ахборот воситаларнинг инсонлар, жамият ва давлатнинг барча жараёнлари ва структураларига, умуман социумга интенсив давомий тарзда таъсири кузатилмоқда. Турли мафкура, маданият, эътиқодга эга бўлган Ғарб ва Шарқ маданий қатламлари ўртасида можароларнинг келиб чиқиши, халқлар ва давлатлар ўртасида антагонизмнинг кучайиши - ахборий рақобатнинг бетўхтов жараён бўлишини таъминлайди.

Қайд этиш керакки, дунёнинг маълум бир "қайноқ нуқтаси"дан репортаж тайёрлаётган журналист қисқа вақт ичида ҳудуднинг географик, тарихий, диний, иқтисодий, маданий, этник жиҳатларини кўсатиб бериши, бунинг устига ғарб сиёсий қарашларига мос келадиган оҳангини бериш йўлига ўтилди. Шундай қилиб, журналист айниқса, тележурналист касби геосиёсатчи касби билан яқинлашиб қолди. Оммавий ахборот воситалари миллатлар тақдирига таъсир кўрсатишга қодир мустақил геосиёсий омилга айланди.

Шу тариқа ХХ асрда ахборот деб аталмиш ноанъанавий қуроол геосиёсатнинг муҳим акторига айланди.

Ахборот бу куч. Ахборот орқали халқнинг онги, маданияти, менталитетига, ҳукуматнинг ахборий, сиёсий инфраструктурасига деструктив таъсир ўтказиш мумкин. Ахборий хуруж бу ҳақиқий қуроолли урушга қўйилган

биринчи қадамдир. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кундаги долзарблиги шу ҳолат билан белгиланади. Инсоният "ахборий жамият" деб аталмиш янги бир даврга қадам қўяётган экан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳар доимгидан ҳам зарурдир.

Ахборот хавфсизлиги тинимсиз ахборот хавфсизлигининг таъминланиши унинг ҳуқуқий тартиб даражаси юқори савияда ташкил этилишини талаб этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш қай йўсинда олиб борилади?

Юқорида қайд қилганимиздек, ОАВларида «ахборот қуроли» ва «янги ахборотлар» атамалари тез-тез учрайдиган даврда яшаётирмиз. Ахборот қуроли «замонавий дунёга эгалик қилишнинг ҳал қилувчи омили», «янги ахборот» ва «ахборот қуроли» тушунчалари замонавий геосиёсатнинг муҳим тадқиқот мавзусига айланмоқда.

Чунки янгиликлар кўпайгани сари мафкуравий хуружлар ҳам авж олади. Бунда геосиёсат телевидение, радио, матбуот, интернет асосий воситага айланишини кўп таъкидладик. Айни, ахборотни мақсадли йўл билан бузиш ёки умуман йўққа чиқариш орқали фойда топиш ёки бирор нарсанинг олдини олиб қолиш имконияти кучаймоқда. Кўпинча операторларнинг "хатолари", дастурчиларнинг "янглишиши", тизимнинг ишдан чиқиши каби тушунчалар, ахборот қуролни ўзида мужассам қилмоқда. Бузилган ахборот эса асл қийматини йўқотиши ҳақиқатга айланди.

Давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир жиҳати - радиоэлектрон типдаги қурол, душманнинг ахборот имкониятларини йўқ қилиш учун яратилган дастурли-ахборот воситалар комплексидан иборат.

Ҳозир давлатлараро муносабатларда муваффақиятли амалга оширилган дезинформацияларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дезинформацияларнинг махсус хизматларни амалга оширишда ишлатиладиган қурол сифатида қабул қиладиган бўлсак, соф ахборот хавфсизлиги қандай таҳдид устида турганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ахборот қуроли бу — ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ёки ўғирлаш воситаси, тармоқ тизимини бузиб кириш орқали керакли маълумотларни билиб олиш, уларга қонуний фойдаланувчиларининг киришини таъқиқлаш ёки чеклаш, техник воситаларининг ишларини бузиш, телекоммуникацион тармоқларни ишдан чиқариш, компьютер тизимларини, жамиятнинг технологик эҳтиёжларини қондиришдаги жараён ва давлат фаолиятининг барча бўғинларини ишдан чиқаришдир.

Зарарли ғоявий ахборотлардан воз кечиш учун ғоявий иммунитет кучли бўлиши керак. Ахборотлаштириш ягона ахборот мухитини яратишга олиб келади, унинг доирасида маълумотлардан фойдаланиш, ўрганиш, ўзгартириш, сақлаш ва энг асосийси — мухит субъектлари, одамлар, ташкилотлар, давлатлар ўртасида маълумотлар алмашиш амалга оширилади. Замонавий геосиёсий таҳлилларда ахборот қуроли — харбий тизим ва фуқароларнинг кибернетик тизимларига таъсир кўрсатиш учун ахборотлар ва ахборот технологиялардан фойдаланиш эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги

пайтда бир мамлакатдан иккинчисига геосийсий мақсадда узатилган ахборотлар айнан ахборот тажовузкорлиги тариқасида кўрилмоқда. Хусусан

Хужум қилиш имкониятига эга бўлган ахборот қуролларига қуйидагилар:

- компьютер вируслари;
- мантикий бомбалар (дастурли тўсиқлар);
- телекоммуникацион тармоқларда ахборот алмашиш воситаларини йўқ қилиш, давлат ва ҳарбий бошқарув каналларида ахборотларни қалбакилаштириш;
- тест дастурларини бузиш, ишдан чиқариш;
- объектни дастурли таъминлашга атайин киритилмаган турли хил хатолар киритилмоқда.

Ахборот қуролнинг энг асосий устунликларидан бири — унинг бошқа қуролларга нисбатан кам харжлигида деб кўп таъкидладик. Ахборот урушларига фақатгина 90-йиллар охирларида зўр берилди. Ахборот уруши деб «Миллий стратегия манфаатларида ахборот устунликка эришиш учун амалга оширилган ва душманнинг ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўли билан амалга ошириладиган айни пайтда ўзининг ахборотларини ҳимоя қилиш харакатларига айтилмоқда.

...Сўзсиз бугун интернетнинг улкан ахборот маконига айланганига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Интернет демократлаштиришнинг инновацион омилига айланаётир. Интернет хизматларини ривожлантириш, замонавийлаштириш, уларни жаҳон стандартларига олиб чиқиш асносида жамиятни ахборотлаштириш ислоҳатлари авжига чиқди. Жойларда ҳокимият органлари фаолияти тўғрисида аҳоли учун интерфаол ахборот хизматлари жорий этилмоқда. Эндиликда электрон ҳукумат лойиҳаси доирасида аҳолининг ҳукумат билан самарали мулоқоти тизимини яратишга ўтилди. Электрон ҳукумат тушунчаси билан биргаликда, электрон тижорат, электрон рақамли имзо, электрон рақамли ҳужжат каби тушунчалар интелект асрининг ижобий хусусиятларини намоён этмоқда, интернетнинг шарофати билан одамларда уйдан, ишхоналардан чиқмасдан туриб турли шартномаларни тузиш имконияти туғилди.

Ҳар бир давлат ўз Интернет тармоғини ривожланиши инфраструктураси ва компьютерлаштиришни ривожлантириш йўлида қайғуришни бошлади. Бу маънода АҚШ олдинги ўринларда боради, ҳозир бу давлатда 12 яшардан юқори аҳолининг 70 фоизи Интернетда ишлаш имкониятига эга. 2012 йилдаёқ Европа давлатларида аҳолининг 65 фоизи Интернетда ишлаш имкониятига эга. Интернет фойдаланувчиларнинг сони бўйича Англияда 27 фоиз (6,4 млн. оила), Германия 20,7 фоиз (7,1 млн оила) Франция 12,1 фоиз (3 млн оилани) ташкил қилади. Осиё давлатларида ҳам интернетдан фойдаланувчиларнинг сони ошиб бормоқда. Японияда 75 млн. аҳоли, 78 фоиз япон корхоналари Интернетга уланган. Гонгконг, Хитой, Ҳиндистонда, Исроил каби давлатларда интернет жаъдал суръатлар билан ривожланыпти. .

Жумладан Интернет дўконларида бўлаётган савдо-сотик даражаси иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари қаторида қайд қилинмоқда. Ундан ташқари унинг узок масофали ўқитиш, турли телеконференциялар ўтказиш, теле тиббиёт, реклама, почта хизматини кўрсатиш каби истиқболли хизмат турлари инсониятга маъқул келмоқда. Табиийки жамият бу тарзда ахборот олиш вақтининг тежалиши билан боғлиқ ўзгаришларни мамнуният билан қабул қила бошлади. Айниқса ахборий жамият куриш бўйича давлат дастурларининг зудлик билан жорий этилиши ахборот олиш даражасини, унга бўлган муносабатни ўзгартирди. Чунки яқин ўтмишимизда аҳолига ахборот узатишни фақат расмий ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий институтлар, маҳаллий ва марказий ҳукуматлар ташкиллаштириб, бошқариб келганди.

Интернет эса мазкур анъанани ўзгартириб юборди. Бугун интернетда ҳар қандай индивид ахборотни яратиш бошқариш имкониятига эга. Интерфаол электрон медиалар туркумида порталлар, сайтлар, блоглар ва ижтимоий тармоқлар фаолияти тезлашиб кетди. Айниқса ёшларнинг ижтимоий тармоқларга қизиқиш даражаси кундан кунга ошиб бормоқда.

Аслида интернетнинг оммавийлашувини тўқсонинчи йилларга, айти ОҚ Уй сайтининг очилган даврига боғлашади. Онлайн, яъни реал вақт режимида мулоқот қила олиш имконияти миллионлаб кишиларни социал тармоқлар томон етаклади. Дунёнинг ҳоҳлаган нуқтасидан бир зумда алоқа қила олиш имконияти кўпчиликка мўъжизадай туюлди. Улар катта тезликда Инсонни ахборот алмашинув жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириб қўйди. Бунда социал тармоқлар бамисоли бошпана “севимли учрашув макони” ролини ўтай бошлади. Статистик маълумотларга қараганда энг катта социал тармоқ “Фейсбук” тармоғи бўлиб, ҳозирда бир миллиарддан ошиқ фаол фойдаланувчига эга экан . (2012 йилги маълумотдан) Бу албатта журналист, психолог, жамиятшунослар орасида Интернетга тобелик ҳақида баҳс мунозараларнинг бошланиб кетишига туртки берди. Зеро Интернетнинг ҳеч қандай чегара билмас , кўзга кўринмас ахборотлар оқими ўз кучини кўрсата бошлади. Натижада интернетга оламига бундай дахлдорлик турли кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, турли маъно мазмундаги мафкуравий кучларнинг доимий таъсирини сезиб яшаш эҳтиёжини туғдирди. Ахборот маконининг бундай глобал тусда тармоқлашуви инфоэтика масаласига (Х.Дўстмухаммад) янгича ёндошувларни талаб қила бошлади. Биз бугун интернетнинг ижобий ва салбий томонларига тўла текис баҳо бера оламизми? Бутун жаҳон ўргимчак тўри феномени борасидаги баҳс мунозаралар қачондан бошланди ўзи? Аслида якуний хулосага келадиган давр яқинми? Илмий жамоатчиликда саволларнинг бу тарзда қўйилиши бежиз эмас. Зотан юқоридаги илмий маълумотлар уни бугун - кундан кунга жамият ҳаётига янада кўпроқ таъсир кўрсата олиши қудратига эга бўлган ахборот манбаи айланганини тасдиқламоқда.

Бундай пайтда Бутунжаҳон ўргимчак тўридан ишончли ва сифатли ахборот танлаш муаммоси қалқиб чиқади. Интернетдан нотўғри фойдаланишнинг

зарарли иллатлари хақида мунозарали изланишлар, тадқиқотлар бошланди, мақолалар ёзилмоқда. Уларда жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, диний-этник келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг маънавий-руҳий меъёрлари хақида таҳлиллар мунтазам берила бошланди .

Бу борада жаҳон сиёсатида гегемонликка интилиш билан очиқ жамият куриш ғояларнинг бирбирини қўллаб қувватлаб борувчи замонавий тенденциялари (аслида бирбирини инкор этиши керак) интернетнинг ахборий таъсирдаги қудратини аниқроқ ифодалаб берса керак. Бугун масалан интернетда террористик хуруж методлари хақидаги махсус техникавий ахборотларга дуч келиш мумкин. Аслида бу тарздаги ахборот қўлбола шароитидаги оддий портловчи моддаларни тайёрлашга имконият яратиб бераётир. Шунингдек Марказий Африка, Яқин Шарқ мамлакатлари, Россиянинг Шимолий Кавказ республикаларидан берилаётган террорчи тўда раҳбарларининг баёнотлари кенг аудиторияга айнан интернет тизими орқали етказилмоқда. Шу тариқа Интернет террорчиларининг аҳолига кучли психологик таъсир ўтказувчи воситасига айланаётир.

Албатта камбағал дунё, очарчилик, инсон ҳуқуқларининг қўпол тарзда бузилиши билан боғлиқ нотенг вазият оловга ёғ сепиш самарасини бераётганлигини таъкидлашимиз керак. Эндиликда экстремистлар инсон психологиясида ҳозирги мазкур нотенгликдан келиб чиқадиган ҳасадли, ғазабли- агрессив туйғуларидан унумли фойдаланиш йўлига ўтиб олишди. Жиддий разм соладиган бўлсак, ўзига тўқ Ғарб дунёсида ҳам камбағал ривожланиш йўлидаги айрим осие-африка мамлакатларида ҳам параллел бири бирига ўхшаш ахборий тенденциялар намоён бўлмоқда. Айни Евронюснинг телехабарларига қараганда ҳатто скандинав давлатларида ксенофобия- радикализм билан боғлиқ ёшлар харакати жонланиб қолган .

Демак Интернет бошқа оммавий коммуникациялар қаторида минтақавий мажоролар бўйича ижтимоий-сиёсий резонансни кучайтириб юбориши мумкин. У зўравонликнинг янги шаклларино номоён қилишни бошлади. Айни пайтда аноним кибер хужумлар ривожланган давлатлар ҳаётида хаос, бошбошдоқлик, ваҳимага туширишни мақсад қилиб қўймоқда. Компьютер тармоқларига, алоқа тизимларига, авиа линиялар каби давлатнинг муҳим тузулмаларига хакерларнинг хуруж қилиши бир зумда жамиятда саросималикни келтириб чиқаради. Янги ахборот технологияларининг таракқиёти ана шу ҳолатга олиб келди.

Бугун интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларино тарғиб қилувчи 9 мингта, эротик мазмундаги 4 мингтадан зиёд сайтлар мавжудлиги кўпчиликни ташвишга солмоқда. Компьютер ўйинларининг деярли ярмига яқини зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилаётир, 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн тизими орқали тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай қарам бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола миллатчилик тусидаги веб саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини

аниқлашган. Ёшларда одамови, окултизм, садизм, суидцидликка берилиш одатий воқеаликка айланиб қолганлиги айтишимиз керак. Интернетга тобелик- жаҳон ёшлари психологиясида оддий оилавий, ота-она- фарзанд муносабатлари, китоб мутола қилиш маданияти, диний-миллий кадриятларга муносабатлар совуқлашиб, бегоналашиш тенденциялари кучайтириб юборди. Демак Интернет олами билан боғлиқ бундай нохуш воқеликлар барқарор ахборий жамият тўғрисида мутлоқо янги қарашларни ишлаб чиқишимизни талаб этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш эса вақти келиб мазкур илмий концепциялар геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги роли билан аниқ ифодаланади. Бинобарин Интернет орқали мафкуравий таъсир ва тазийиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали бўлмиш – миллий менталитет, маданият, одамларнинг ахлоқий эътиқоди, мустақил позициясини ўзгартириб ташлаш қудратига эгадир.

Буни араб дунёси билан боғлиқ ёшларнинг вайронкор, тажовузкор ҳатти-ҳаракатлари борасида берилган ахборотлардан кўп амин бўлдик. Мазкур нохуш ахборотлар оммавий мулоқот феноменига муносабатимизни ўзгартириб юборди. Чунки даставвал норозилик билан чиққан ёшлар “Твиттер” ва “фейсбук” воситасида унча катта бўлмаган таянчга эга эдилар. Лекин айни ташқи манфаатдор кучлар томонидан тилга олинган тармоқларда махсус “араб баҳори” учун тарғибот сайтларнинг яратилиши билан сиёсий аҳвол беқарорлик ва нотинчлик сари йўл олди, вазият бутунлай ўзгариб кетди. Бу билан «Фейсбук, твиттер ёшлари даври» ёшларнинг дунёқарашида ўзига хос чалкашликлар ва мураккабликлар даврини бошлаб берди. Шу тариқа Интернет орқали барқарор ахборий вазиятга салбий таъсир ўтказиш, унинг шиддатли тараққиёти эса инсон онгини манипуляциялашга жиддий дахл қилиш масаласини долзарблаштиришни кун тартибидан ўрин олмоқда.

Зотан, миллатнинг истиқболи – бу айни глобаллашув шиддати талабларини тушуна олган ва англаган ёшларнинг дунёқарашида акс этади деб таъкидладик. Интернет орқали шаклланаётган ижтимоий-илмий муҳит ҳам мазкур жараёнларнинг бевосита таъсирида бўлиши кутилади. Ана шундагина ахборий барқарор жамият кадрияти ўз қудратини намоён қилади. У ҳар қандай давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда устувор йўналиш вазифасини ўташ керак бўлади.

2 ГЕОСИЁСИЙ МУНОЗАРА МУАММОСИ

Сўнгги пайтларда сиёсатчи ва журналистларнинг чиқишларида “геосиёсий манфаат”, “геостратегия”, “геосиёсий можаро” каби атамалар тез-тез тилга олинмоқда. Геосиёсатнинг урф бўлишига ва унинг ривожланишига глобаллашув жараёни, дунёнинг икки қутблилик тизимининг ўзгариши ва кўпқутблиликнинг шаклланиши, унинг оқибатида сайёрада янги марказий кучларнинг пайдо бўлиши каби омиллар таъсир қилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти давлатлараро муносабатларнинг энг яхши шаклларида бири сифатида дунёнинг кўп қутблилик тизимини жорий этиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Айни шу ҳолат сайёрадаги кучлар нисбатининг

Ўзгарганига қарамай, ҳақиқий кўп кутблилик фалсафаси халқаро миқёсда қарорларнинг бир ёки икки кучли давлат томонидан эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинишини талаб этади. Айни глобаллашув жараёнига боғлиқ бўлган ўзаро алоқадорлик даражаси янада адолатлироқ ва инсонпарвар дунёнинг шаклланишига имкон яратиши керак. Бу ўринда журналистика турли глобал жараёнларни ўзаро боғловчи муҳим бир қатлам ҳисобланади. Журналистларнинг фаолияти бевосита халқаро муносабатлар тизимининг иштирокчилари сифатида, БМТнинг инсонпарварлик ва демократия тамойилларига жавоб берувчи дунёнинг кўпкутблилик тизимини тарғиб қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Геосиёсатнинг айни шу ислохотлардаги позицияси ОАВнинг иштирокисиз содир бўлмайди. Юқоридаги фаслда биз янгиликларни таҳлил қилиш орқали дунё сиёсат майдонидаги динамикани кузатиш мумкинлигини қайд этган эдик. Геосиёсат ва журналистика фани эса талабаларни халқаро геосиёсатнинг назарий асосларини, мураккаб ахборий қарама-қарши глобаллашув шароитларида унинг ривожланиш тенденциялари ва йўналишларини, ахборий-мафкуравий соҳани ўрганишга йўналтиради. Аслида сиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда ОАВнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу ахборотни очиқ ҳаққонийлик асосида, реал дунёнинг виртуал кўриниши сифатида беришдан иборат. Зеро, глобал ахборий муҳит шароитида халқаро журналистдан олинган ахборот сиёсий қарорларнинг турли позицияларда қабул қилинишига асос бўлмоқда.

XX аср охирларига келиб, геосиёсат дунёнинг мавжуд ва шаклланаётган сиёсий тизими, унинг тузилиши, институтлари ва жараёнларини ўрганувчи мустақил илмий ва ўқув предмети сифатида тан олинишга эришди. Унга журналистикада геосиёсий мунозара муаммосининг долзарблашуви кучли таъсир ўтказди. *“Глобаллашув”, “глобал ахборий макон” каби атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёнинг сиёсий жараёнлари ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш аввалгидек узоқ ва тушунарсиз эмас, балки муҳим масалага айлантирди.*

Геосиёсий жараёнларнинг турли давлат ва халқларнинг стратегик келажаги учун аҳамиятлилиги ва ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим жиҳатлари билан характерланади. Натижада у журналистларга глобал ахборий маконда содир бўлаётган воқеалар ривожига таъсир ўтказувчи турли хил геосиёсий омилларни инобатга олган ҳолда кўриш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш имкониятларини бермоқда. Жумладан, давлатлар манфаатлари, кучлар мувозанат, ҳарбий имкониятлар, иқтисодий ва табиий ресурслар, мамлакатларнинг географик жойлашуви, ахборот оқимлари, миллий ғоя ва шу билан бирга давлат тузилишлари, цивилизация характери, халқаро конфликтларнинг даражаси, ўзига хосликлари ва бошқа кўп жиҳатлар геосиёсий мунозара учун муҳим мавзуларга айланди.

Шу тариқа журналистика геосиёсий услублар билан бойитилиши баробарида геосиёсий омиллардан бирига айланади, чунки замонавий шароитларда геосиёсий “ўйин”лар журналистлар бераётган ахборот ва

улар эгаллаган позиция орқали қайсидир даражада ОАВда амалга оширилади. ОАВ геосиёсий майдон ва геосиёсий восита сифатида намоён бўлади. Бугун глобаллашув жараёнига қадам қўйган инсоният жамиятга мавжуд ҳолатлардаги тўғри йўналишларни танлашда ОАВнинг фаол ёрдамига муҳтож. Бироқ турли ижтимоий гуруҳлар, шунингдек улар томонидан қўллаб-қувватланадиган ОАВ ҳам глобаллашув жараёнига турлича баҳо берадилар. Бундай шароитларда турли геосиёсий концепциялар доирасида мавжуд қарашлар ва уларнинг ҳаракатини ўрганиш фавқулодда муҳим жиҳатга айланади.

Бизнингча геосиёсат - журналист учун глобал миқёсда ўзаро алоқадор бўлган географик, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий омилларни инобатга олган ҳолда замонавий дунёга янада танқидийроқ ёндошиш имконини берувчи, халқаро муносабатлар ва ижтимоий реалликнинг таҳлили учун янги имкониятларни яратади. Айни пайтда ОАВнинг замонавий ходисаларга геосиёсий ёндошуви - БМТнинг асосий ҳужжатларида тараннум этилган инсонпарварлик ва демократик тамойиллар, умуминсоний қадриятлар билан жамиятда ижтимоий барқарорликнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ўрганиш ва уларга баҳо беришни талаб этади.

ОАВда геосиёсий образларнинг ўрганилиши ХХ аср охирига келиб бошланди. Таъкидлаш жоизки, бу борада изланишларнинг кўп қисми геосиёсий концепцияларга эмас, балки ОАВда мавжуд геосиёсий образларга бағишланган.

ОАВ шакл ва йўналишларига кўра ўзига хос тарзда воқеа, факт ва ходисалар узатилиб боради. Бу табиий ҳол. Лекин фактлар сараланишининг ўзи позиция. Шунинг учун ОАВ ижтимоий ахборотни етказиб берувчи каналлар холос, деган фикр тўғри бўлмайди. Замонавий мураккаб, қарама-қарши ва турли қарашлар мавжуд бўлган бугунги жамиятда ўзаро алоқалар комплекси бу – ижтимоий мулоқот, ижтимоий коммуникация жараёнидир. Ижтимоий омиллар ва жамоавий психология ролининг ортиши оммавий коммуникацион жараёнларни инобатга олишни тақозо этади. Охириги йилларда ижтимоий ахборотнинг назарий мазмуни тобора чуқур ва комплекслашиб борди, шунга қарамай, тадқиқотчилар унинг асосий ижтимоий бошқарувдаги ролига урғу бердилар. Аммо ижтимоий ахборот атамаси ахборотнинг тарқатилиш жараёни яъни ахборотлашувни қамраб олмайди. Ижтимоий ахборот – ижтимоий коммуникациянинг таркибий жиҳати ҳисобланади. Коммуникация жараёнига жалб этилган ижтимоий ахборот - ахборотларнинг йиғиш воситалари ва каналларини қайта ишлаш, тарқатиш ва сақлашга бевосита боғлиқ бўлади ва ўзаро таъсирга киришади.

Охириги вақтларда қарши алоқа – омманинг кўрган ва эшитганларига бераётган жавоб тарзига кўпроқ эътибор қаратила бошланди. ОАВнинг монополлашув жараёни, йирик матбуот концернларининг ҳатто ўз хоҳиш иродаларини бошқа нашрларга ҳам ўтказиш кучига эга бўлишига олиб келади. Замонавий техник таъминот ва кучли маънавий ресурслар билан улар унча катта бўлмаган ёки ўртача нашрлар билан рақобатда осонгина ютиб

чиқишлари мумкин. Кўпгина ҳолларда биргина таҳдиднинг ўзи заиф томоннинг рақобатда кучли томонга ён беришига олиб келмоқда. Шу тарзда соғлом демократия учун омманинг фикри, онги ва ҳатти-ҳаракатини бошқариш жиддий хавф туғдиради. Омманинг дунёқарашини сиёсий мақсадга йўналтириш, шакллантириш ва бошқариш бугунги кунда реал амалиётда кузатилади. Чунки замонавий бошқарув манипуляторлари жиддий тарзда ошқора ёки беркитилган мақсадга йўналтирилганлик билан ҳаракат қилин хусусиятига эга.

Манипуляциянинг энг самарали воситалари бу босма ва электрон ОАВ, яъни газета ва журналлар, радио, телевидение ҳисобланади. Бу воситалар тадқиқотчиларнинг қайд этишича “одамларнинг сиёсатга муносабатини бошқариш- уларни шу тизимга бўйсунушига мажбур қилиш, ҳеч бўлмаганда уни қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлади, бу одамлар ким бўлишидан қатъий назар – шу давлатнинг фуқароларими ёки чет элликларми, шу билан бирга бошқа давлатлар раҳбарларини ҳам” бошқариш учун қурол воситасини ўтайди.

Дунёнинг замонавий ҳолатини акс эттириш билан бирга ОАВ геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида муҳим рол ўйнамоқда. Гап сиёсатчилар, йирик капитал эгалари, академик тадқиқот доиралари, матбуот ва кенг жамоатчилик ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ҳам бажариш тўғрисида кетмоқда. Маълумки, совуқ урушнинг якунланиши етакчи давлатларнинг халқаро муносабатларига доир янги мунозараларни бошлаб берганди. Ҳозир Совет империясининг таназзули туфайли дунёнинг драматик тарзда ўзгариб кетганини кўриш учун бошланғич мактаб деворларида осилиб турган хариталарга қарашнинг ўзи кифоя. Янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Бир-бирини йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилган эски душманлар энди ҳамкорлик қилиш йўллариини изламоқдалар. Уларда бозор иқтисодиёти, демократик кадриятлар ва эркинликнинг афзаллик томонларидан фойдаланиш йўлига ўтилмоқда. Сунъий йўлдошли телевидение, ипак толали оптика, компьютерлар ва видеоёзувлар оммавий дипломатияни янги босқичга олиб чиқди.

Тадқиқотларда социалистик тартиботнинг парчаланишида асосий ролни ўйнаган “Америка овози”, “Озод Европа” радиоси ва “Уорлднет” телевидениеси каби институтларининг ҳақиқат, озодлик, тинчликка интенсив чорловлари туфайли тоталитар тузумлар барбод бўлганлиги хусусида узил кесил хулосаларга келинди. Бугун эса “Евроньюс.”, “Ал-Жазира”, ТРТ турк, РТР, ОРТ каби телеканаллар шиддатли тарзда ахборотнинг рақобатлашувини таъминламоқда. Интернет журналистикаси ҳам ўзига хос ахборот глобаллашувига таъсир ўтказмоқда.

Маълумки сиёсий экстремизм ҳали ҳеч қачон барқарор, ижобий натижаларни бермаган. Инсон ҳуқуқларига риоя қилинган ва халқ фаровон ҳаёт кечирадиган давлатда сепаратизмнинг пайдо бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Сиёсий амалиёт тажрибаси унинг таҳдиди мавжудлигини тасдиқламоқда , бундай ҳолатлар маълум геосиёсий мақсадларларга

эришишга имкон яратмоқда. Олдин йирик давлат бўлган мамлакатлар қанча майда бўлакларга бўлиниб барпо этилган бўлса, дунёни бошқариш шунча осон бўлади. “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” – мустамлакачиликнинг ушбу шиори яна қўлга олиниб, ғарбнинг етакчи давлатлар томонидан назорат қилинувчи ОАВнинг бугунги амалиётларида қўлланилмоқда. ОАВдан геосиёсий манфаатларда фойдаланиш ОАВнинг ўзида этник, миллий ва диний мурасимчиликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шундай тарзда толибонлар Афғонистонда умуман ТВ, кино, газеталарни таъқиқлаб қўйган эдилар, “Толибон” ҳаракати назоратида фақат радио қолган эди холос.

Замонавий сиёсатшунослар миллатчиликни сиёсий тамойил сифатида келтириб, унинг мазмуни сиёсий ва иқтисодий бирликларнинг бир-бирига мос келишида эканлигини айтишмоқда. Бошқача қилиб айтганда, миллатчилик тамойили этник гуруҳларнинг ҳам ўз ҳукмронликларига эга бўлишларини талаб этади. Шу билан қаторда оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялардан кўпгина чет мамлакатларда манипулятив ташвиқот услубларидан ҳам фойдаланилади.

Шу тариқа, сўнгги йилларда, ОАВнинг геосиёсий роли яққол кўзга ташланмоқда, айниқса журналистиканинг турли "рангли инқилоблар"да иштироки жиддий сезилиб қолди. Аввалроқ бу , Венгрия, Чехословакия, Болтиқ бўйи, Шимолий Африка сингари мамлакатлардаги жараёнларда сезиларли рол ўйнаганди. Натижада геосиёсий назорат сиёсий журналистикада демократияни чуқурлаштириш ғояси билан олдинга қадам ташлай бошлади.

Бундай шароитда ОАВ институтлари орқали демократияни илгарилатиш ниқобидаги таҳдидлар ҳалқаро майдондаги турли сиёсий кучлар томонидан онгли равишда, узокни кўзлаб амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим. Янги ахборот асрида эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни ниқоб қилиб олган бу сиёсий кучлар шу асосда дунёдаги хоҳлаган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиб, геосиёсий назоратни кучайтиришга эришмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам бундай таҳдидлардан кўзланган мақсад айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан тобе қилиши, эндигина ривожланиб келаётган миллий давлат ва ҳудудларнинг ер ости ҳамда ер усти бойликларини эгаллаб олиш, дунёнинг баъзи минтақалардаги тинч ҳаётини издан чиқариб, бу ерларда айнан қудратли давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларни ҳокимият тепасига келтириш каби салбий жараёнларни юзага келтиришдан иборат эканлигини англаш ва унга нисбатан ғоявий қалқон тизимини ишлаб чиқиш миллий журналистикамизнинг долзарб мавзусига айланди.

Иккинчидан, демократия ниқобидаги ахборий-мафкуравий таҳдид мустақил давлатни ўзга бир давлатга қарам қилишга қаратилган хавф-хатардир. Бундай давлат суверенитетига кўплаб таҳдидларни мисоллар келтириш мумкин. Демократик жамият қуриш баҳонасида Ироқ, Сурия, Ливия каби мамлакатларда ҳамон уруш алангаси ўчгани йўқ.

Айниқса, бундай пайтда, четдан бўладиган "меҳрибончилик"ларни ҳамма вақт ҳам бегараз деб бўлмайди. Эркинлик ва демократия ниқоби остидаги интилишларни ҳам, ОАВ орқали зўр бериб олдинга суриш ҳолатлари сезилмоқда, уларнинг зарарли моҳиятини дарҳол англаб олиш қийин бўлмоқда. Тадқиқотлар ОАВларда "геосиёсий меҳрибончилик" кўпинча қуйидаги усуллар қўлланилганлиги тўғрисида кўп қайд қилинмоқда:

- яъни биринчи навбатда - муайян геосиёсий нишондаги давлат узликсиз ва изчил равишда ҳалқаро миқёсда йиллаб танқид қилиб борилади, натижада — мустақил давлатнинг раҳбариятни демократияни хуш кўрмасликда айблаш жараёни бошланади;

- ушбу мустақил давлат фуқаролари орасида манфаатпараст, сохта демократия зояларига, алданишга мойил одамлар гуруҳи шакллантирилади;

- бойликка ўч ҳокимиятпараст айрим кимсалар билиб-билмай бундай гаразли сиёсий кучларга хизмат қила бошлайди, улар арзимас муаммоларни ҳам йирик муаммо сифатида кўрсатиб, аюҳаннос солишади;

- вақт ўтиб, маълум бир шароитлар етилгач, "рангли инқилоб" қилиниб, ҳокимият тепасига бетайин халқ, Ватан манфаатларидан бегона, аксинча ёт манфаатларга хизмат қиладиган сиёсий кучлардан кўтарилиши таъминланганлигини сўнгги кузатувлар тасдиқлади.

Буларнинг барчаси тадрижий равишда, шов-шув кўтарилмасдан зимдан бамисоли табиий ривожланиш зарурати шуни тақозо этаётгандек амалга оширилмоқда. Қизиғи шундаки, бу гаразли сиёсий ўйинга манфаатдор геосиёсий марказлар қани, нима бўлар экан, воқеалар ривожини бизнинг фойдамизга ишласа кўшиламиз, бўлмаса, тинч турганимиз маъқул, деган қоидага амал қилиб, шунчаки томошабин бўлиб туриш ҳолатлари кузатилди. Турли грантлар воситасида ўз ҳаракатчиларини молиявий таъминлаш, заруратга қараб, уларнинг фаолияти замонавий технологиялар билан жиҳозлаб борилди. Бундай сиёсий кучларнинг оммавий ахборот воситалари исталган вақтда дунёнинг ҳар қандай давлатига етиб бора олади. Зеро мазкур йуналишда хизмат қиладиган журналистика учун муайян маблағ, шароит ва имкон - барча-барчаси муҳайё қилинмоқда.

Айни сиёсий йуналишдаги оммавий ахборот воситаларида олдинга сурилган хатти-ҳаракатлар, ғоявий, молиявий, ташкилий-семинар омилларнинг биргаликдаги қудратли кучи орқали реал ҳаётга мутлақо тўғри келмайдиган сохта ғоялар ҳам содда ва ишонувчан, мафкуравий иммунитетини тўла шаклланмаган инсонлар назарида бамисоли ҳақиқатга ўхшаб кўрина бошлайди. Натижада бундай салбий ҳолатларга йўл кўймаслик учун ОАВ лари доимий хушёрлик ва огоҳлик, маънавий-маърифий ишларни илмий асосда дунёдаги реал ҳолатлардан, мафкуравий кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш зарурати сезилади.

Хуллас ОАВ орқали мўлжалга олинмайдиган демократия ниқобидаги геосиёсий таҳдидларнинг мудҳиш оқибатлари кенг кўламдаги ҳеч нарса билан ўрнини қоплаб бўлмайдиган маънавий-руҳий зарар билан

дахшатлидир. Бундай геосиёсий тактиканинг асосий кўринишлари хақида гапирганда, куйидагиларга алоҳида тўхталиш ўринли бўлади.

1. Муаяйн геосиёсий мақсадларни кўзлайдиган кучлар эркин турмуш тарзи, иқтисодий маъмурлик ва фаровон ҳаёт ваъда қилади. Бундай жозибали ваъдалар ҳар қандай содда кишини ўзига жалб қилади. Айниқса, ривожланаётган ва ўтиш давридаги давлатларнинг фуқаролари бунга тез ишониб қолади. Шу маънода, демократия ниқобидаги таҳдиднинг биринчи зарари мустақил давлатнинг фуқаролари онгини ёлғон ваъдалар билан чалғитишдир.

2. Аксарият ҳолатларда ОАВ да демократия ниқоби билан геосиёсий манфаатларни олдинга суриш дунёқараши ҳали тўлиқ шаклланмаган одамлар, аввало ёшларни маънавий жиҳатдан мажруҳ қилади. Чунки ёлғон ваъдаларга ишонган одамда ўз Ватани, халқи ва жамиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Уларда фидойилик, ташаббускорлик ва меҳнатсеварлик иштиёқи аста-секин сўниб боради. Энг ёмони - шахсда ўз жамиятида ўзини ёлғиз сезиш руҳи пайдо бўлади. Бу эса жамиятда парокандаликка сабаб бўлиб, бирлик ва бирдамликка путур етказди.

Демак ОАВнинг геосиёсий манфаатларни олдинга суриши "Эркинлик ва демократияни олға силжитиш" деган доктрина асосида собиқ шўро худудида ғоявий-ахборий таҳдидлар авж олган пайтда кўзга ташланди. Бугун, орадан анча вақт ўтгач, ОАВнинг геосиёсий мақсадлари учун олдинга сурилган ана шу инқилоблар мазкур мамлакатлар аҳолиси учун янги-янги муаммо ва ташвишлардан бошқа ҳеч нарса бермади. Буни ўша мамлакатларда кузатилган куйидаги мавҳум сиёсий жараёнлар ҳам тасдиқлаб турибди. Биз бу ҳақда кейинги фаслларда "рангли технологиялар" мавзусини ёритганда батафсил гаплашамиз.

Шундай қилиб, ОАВ институтлари орқали демократия ниқобидаги ғоявий таъсир ўтказишнинг зарарли оқибатлари шу қадар дахшатлики, улар миллий менталитетни, ўзликни ва Ватан тақдирини оғир аҳволга солиб қўйиш мумкин. Буларнинг барчаси миллий журналистика олдида "яна ва яна бир бор ҳалқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда ҳалқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бутунги куннинг энг долзарб вазифаси"ни ўта долзарблаштиради.

Яъни, журналистикада геосиёсат билан боғлиқ сўз эркинлиги ва сиёсий барқарорлик, суверенитет, суверен демократия каби тушунчаларнинг долзарблашуви;

-Катта сиёсий ўйинларда етакчи давлатлар томонидан ОАВ орқали сиёсий манипуляция қилишининг янги усуллари жорий этила бошланиши;

-Геосиёсий даъволар таъсирида ОАВ орқали муаяйн миллий-худудий аудиториянинг ижтимоий онгини мўлжалга олиши;

- Етакчи телеканаллар ва янги мустақил давлатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таранглашуви, ОАВ орқали ахборотни манипуляштириши

ёхуд бошқариш, ахборотни сохталаштириш, уни ҳаққоний ахборот сифатида бир ёқлама етказиш, ўз манфаатларини сингдирган ҳолда ахборотни таҳрир қилиш;

-Манипуляторга фойдали томонини ҳисобга олган ҳолда ахборотни тақдим этиш, ташивиқотда “ақлни ювиш” деган таъсир ўтказиш технологиясининг юзага келиши, стереотиплардан фойдаланиш;

-Ҳарбий цензура ва ғарбдаги демократия муаммолари, матбуот билан ишлашнинг хорижий услуб ва шакллари, Ироқ, Шимолий Кавказ, Панама, Вьетнам, Афғон можаролари каби халқаро конфликтларда жамаот ташкилотларининг ҳарбийлар фаолияти устидан назорат этиш муаммолари, қонунийлик, танқид ва ошкоралик тамойиллари, иккиламчи стандартлар, демократияни олға суриш даъволари ва миллий, минтақавий барқарорликни таъминлаш муаммолари;

-Айрим минтақаларда экология муаммоларни ОАВда тарафкашликка йўл қўйилиб ёритилиши, унинг оқибатлари, катта сиёсат ва минтақавий экологик муаммоларни ОАВда ёритишнинг замонавий тенденциялари, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, давлатлараро муносабатларда дўстона, эркин, ўзаро ишончга асосланган демократик қадриятларни ҳурмат қиладиган муҳитни шакллантириш;

-Етакчи давлатларнинг жаҳон сиёсатида лидерликни қўлдан бой бермасликка ҳаракати, мазкур жараёнларни ОАВ орқали ўз маданиятини кўз-кўз қилиш тамойили билан оқлашга уриниши кабилар геосиёсий тенденциялар билан намоён қилиш бошланган.

Хулоса килиб айтганда, ОАВ орқали геомафкуравий мақсадларни олдинга суриш, ахборий маконда геосиёсий рақобатнинг устувор йўналишлари, ахборий қарама-қаршилиқ, ахборот ассимметрияси, ахборий устунлик, ахборий қарама-қаршлиқнинг объектлари, ахборий қарама-қаршилиқнинг субъектлари, давлатлар, иттифоқчилар ва коалициялар, халқаро ташкилотлар, нодавлат ноқонуний ҳарбий бирлашмалар, террористик, экстремистик, диний радикал, сиёсий радикал йўналишдаги ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, виртуал ижтимоий жамиятлардан келаётган ахборот таҳдидларини англаш ва уларга муносабат билдириш геосиёсат ва журналистиканинг энг муҳим устувор йўналишларига айлантиради.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Геосиёсат ва журналистика йўналишидаги тадқиқотларни тубдан янгилаш фалсафасини қандай тушундингиз?
2. Замонавий ахборот маконининг геосиёсат билан боғлиқ таърифини беринг.

3-МАВЗУ. МДХ мамлакатлари билан муносабатларининг сиёсий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси халқаро минтақавий ташкилотлар тизимида. Сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Режа:

1. Мавзуни ёритишда ахборотлашган жамият ва радикализмнинг янги қиёфаси

Таянч сўзлар: радикализм, ахборотлашган жамият, эркинлик,

1. АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ОАВ институти сиёсий жараёнларга қандай ва қай тартибда таъсир ўтказди? тартибидаги саволлар янги ахборий жамиятнинг муҳим мавзусидир.

Аслида ахборий жамиятнинг ютуқлари ҳақида гап сўзлар бугунги кунда янгилик эмас. У ҳақда дастлабки тасаввурларни берган кунчиқар мамлакат олимнинг (Ю. Хаяши) ахборот жамияти истилоҳини киритганига ҳам ярим асрдан ошибди. Бугун фанга, жамиятга хизмат қилувчи ахборотнинг кудратини ўз вақтида илмий илғаган японлар бутун бўй басти билан дунёни лол қолдиришда давом этмоқда. Ҳарқалай ахборот жамиятига бўлган бундай муносабат япон мўъжизасининг маънавий асоси тариқасида эътироф этилмоқда.

Аслида ахборий жамият- ахборотни юксак қадрият сифатида баҳолайдиган, ривожланган ахборот технологияларига эга бўлган, ахборот олиш борасида тенг имкониятлар яратилган жамиятдир. Мазкур қарашлар илмий жамоатчиликда “юксак ахборий маданиятли”, “тиғиз ахборотлашган жамият”, “ахборот жамияти” тушунчалари билан ҳам кенг тарғиб қилинади. Хуллас жаҳон ҳамжамиятида ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш суръати ва йўналишини белгилаб берувчи ахборотни барча неъматлардан устун деб тан олиш йўлига ўтилди. Ҳарқалай ОАВни эркинлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар жамоатчилик назоратининг жамиятдаги қонунсизлик ва адолатсизликка барҳам беришига катта туртки беради. Мазкур вазифани бажаришда ОАВнинг жамиятга ҳаққоний маълумотлар етказиб бериш имконияти эса тўлақонли жамоатчилик фикрининг ошкоралик ва хабардорликка талабининг ошиб бораётганидан келиб чиқади. ОАВнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмида жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш омили кўп жиҳатдан ОАВда вазиятни холис баҳолаш, ислохотларга кенг оммани жалб қила олиш тенденцияларида акс этмоқда.

Шу билан бир қаторда демократлаштиришнинг самарали натижалари бир неча ўн йилликлардаги жиддий синовларни бошидан ўтказиши халқнинг, миллатнинг миллий сиёсий менталитети, жумладан шу жамиятда мавжуд

бўлган ОАВ институтларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи, интеллектуал салоҳиятига ҳамда профессионал маҳоратига бевосита боғлиқ жараёндир.

Айниқса ахборот коммуникация инқилоби кишилар ўртасидаги муносабатларда ахборот омилининг етакчилик қилишига, уни ҳал қилувчи кучга айланишига таъсирини ўтказди. Ахборий жамиятда миллий қийматга эга бўлган, айти фанга, бинобарин, жамиятга янгиликни очишга хизмат қиладиган ахборотгина кадр топади, япни иқтисодий тизимда ахборот-коммуникация соҳасининг улуши салмоқли бўлади, сиёсий тизимда эса ахборотнинг демократик тамойиллар устуворлигини таъминлаши кутилади. Ахборий жамиятда эркин ахборот оқими тамойили амал қилади; давлат чегараларидан қатъий назар, ахборотнинг глобал тарзда тўсиқларсиз тарқалишига эришилади.

Шу тобда замонавий геосиёсий рақобат ахборий жамиятнинг глобал хусусиятини ўзгача ифодалаб берадиган ҳодиса эканлигини қайта айтмоқчи эдик. Ҳолбуки бугун ривожланаётган давлатларга келаётган ахборот оқими уларнинг мафкуравий таъсири остида қолиш хавфини ўта кескинлаштирди. Бу келгусида ахборий жамиятнинг қиёфаси қандай кўринишга эга бўлиши кутилади? Бундай жамият тараққиётида радикал ғояларнинг имкониятлари даражаси қандай бўлади? Халқаро сиёсатда Совуқ уруши давридан кейин мисқоллаб йиғилган ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч ҳамжиҳатлик ғояларининг келажаги қандай бўлади? деган саволларни олдимизга қўяди .

Эркинлик эркинликка қаршими?

Булар албатта дунёнинг мафкуравий манзараси атрофидаги мунозараларнинг яна бир бор долзарблашганлигини кўрсатади. Чунки ахборотларда шахмат партиясида каби геосиёсий ўйинларда ким голиб ким мағлуб йўсинидаги саволлар кенг таҳлил қилинган. Демак масалага энг замонавий тарихий жараёнлар нуқтаи назаридан қарашга ҳаракат қиламиз.

...Ўз ўрнида айтиш жоизки ахборот эркинлиги ҳамда бундай ахборотдан эркин, мустақил бўлишлик ҳақида бизнинг мутахассисларимиз ҳам бош қотира бошлашган. Жумладан улар қаторида журналистикани ҳаддан ташқари бошқаришининг самараси паст бўлади, у барибир ўзига ўз стихиясига қайтади (проф.Ф.Мўминов) деган қарашларни ҳам учратмоқдамиз. Аммо кейинги даврдаги ахборотнинг баъзи геостратегик баҳслар доирасида ўта таранг, радикал қарама-қаршиликда етказилиши бизларни сергакликка чорлаб туриши лозим.

Зотан оддий фуқоронинг афсуски бояги геосиёсий маънодаги шахмат доналарининг ҳаракатини тушуниши чигаллашиб кетди. Битта масала доирасидаги ахборотларнинг қарама-қарши тенденцияларга бойлиги одатий воқеликка айланди. Ўз навбатида булар ҳам ахборий жамиятнинг бугунги геосиёсий, ахборий-мафкуравий, радикал-агрессив жиззаки қиёфасини тушунтиришларнинг жонланишига олиб келиши керак.

.... Бугунги кунда етакчи геосиёсий куч марказлари бир қатор *танланган* давлатларда инсон ҳуқуқлари, демократик тамойилларга амал қилинмаётганлиги борасида бир томонлама ўта танқидий ёндошувлар

оқимини вужудга келтиришда анча устамонга айланишди. Устига устак янги суверен давлат манфаатларининг халқаро майдонда ўзига хос тарзда рад этиш шаклида намоён бўла бошлади. Айниқса ҳозир баъзи ўткир масалалар доирасида бозор иқтисодиётини ривожлантиришга йуналтирилган молиявий-иқтисодий ёрдам миқдорининг чекланганлиги сезилмоқда. Натижада бундай “ёрдам” аста-секин сиёсий шартлар кўринишидаги баёнотларнинг юзага чиқишига имкониятини кучайтириб бермоқда.

Ҳарқалай суверен давлатларнинг улкан сарҳадларида тартибсизлик томон ҳаракатлар авжига чиққан даврни бошдан ўтказмоқдамиз. Ана шундай пайтда ахборотга эгалик қилиш – гегемонликни халқаро сахнада кучайтиришнинг бирдан-бир йўли сифатида кўрилмоқда. Хусусан Украинада давлат бошқаруви ана шу ўйинларнинг гирдобиди қолиб кетди. Тарас Шевченко ватанида бу сафар қон кўп тўкилди. Ҳаттоки қон тўкилмасдан ҳокимиятни инқилобий қўлга киритиш тариқасида тан олинган рангли технология тамойиллари кўпол бузилиб кетди. Давлат ҳокимияти жиловини ноаниқ кучлар қўлига ўтиб кетиш хавфи ўта кучайди. Миллатчилик, айирмачилик, антисемитизм, империяпарастлик, шўропарастлик, евроцентризм ғоялари украинлар сиёсий ҳаётини қуюшқондан чиқариб юборди, сиёсат ва ахлоқ мувозанати бузилиб кетди. Тарас Шевченко ватанида айирмачилик ва миллатчилик тажовузкорлик фалсафаси билан баббаравар бош кўтарди. Таълим- тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг бошбошдоқлиги шу тарзда ўз “кароматини” дунё ҳамжамиятига намойиш қилди.

Украинада давлат ҳокимияти маълум муддат ўз заифлигини номоён қила бошлади. Ҳокимиятга бир ҳовуч турли номаълум шахслар билан биргаликда муҳолиф кучлар шиддат билан кириб келди. Ахборотларни мунтазам кузатар эканмиз сиёсий маданият, орият, маънавият, сиёсат, ахлоқ борасидаги тасаввурларимиз остин устун бўлиб кетди. Аслида Украина сиёсий элитасининг қаймоғи бўлмиш Радада узоқ даврдан бери давом этиб келаётган парламентнинг тўпори безори қиёфаси ҳарқандай демократия мактаблари учун ташвишли сигнал бўлмоғи керак эди. Албатта мамлакат парламентдаги бу каби ур сурлар кўплаб телерепортажлар учун қизиқарли сюжет вазифасини ўташи мумкин. Халқ ичидан танланган, сараланган халқ ноиблари- депутатларнинг ўзларини бундай бесаранжом, беодоб тутишлари интизомли Европа учун ҳам, чегарадош Россия учун ҳам янгилик эмас эди. Қаълани ичидан олиш дегани айти шундай бебошлик ва эркинлик ҳисобига амалга ошиш мумкинлиги кўпчилик сиёсатчиларга кундай равшан эди.

...Ҳар бир эрийгит болалиги, ўсмирлик даврида беихтиёр турли тортишув ёқалашларга дуч келган бўлса керак. Бундай қизиққонлик максимализм даврида ўсмир болакайлар феъл атвориди кўчама–кўчага, махалла- махаллага бўлиниш ҳисси ҳаддан кучли намоён бўлади. Аслида ёшликнинг максимализми ўз сўзини шу тарзда айтса керак. Бу кунлар ҳар кишининг хотирасида ўзига хос из қолдиришига шубҳа йўқ. Инсон

хаётининг бу жўшқин даври йиллар ўтиши билан ёшлик бебошлиги сифатида инсон хотирасида қайталаниб туради. Ҳарҳолда кўп хатоликларимизни ёшликнинг беғубор бебошлигига йўйишни асосли деб биламиз (қариллик донишмандлик деганлари шу бўлса керак). Айни муштга сиғиниш психологияси, ундан келиб чиқадиган тажовузкорлик фалсафаси қандайдир ички инстинкт (безорилик, тўпорилик инстинкти) билан бошқарилган бетартибликлар аксарият ҳолларда маҳалла кўй улуғлари ёхуд қариндош- уруғ, тарбиячи-мураббийлар томонидан бости бости қилинади. Аслида бундай майда тўкнашувлар ўзбекона орият ва маданият билан муроса руҳида яқун топарди. Ҳозир биз ҳеч иккиланмасдан буни айни бағрикенг халқимизнинг инсонийлик, тинчликсеварлик фазилатларидан боғлиқ ҳодиса деб ўрганишимизни давр тоқозо қилади. Шу тариқа бу ҳолат халқ маънавий фидоийлигининг намунаси билан боғлиқ феномен сифатида англаниб борилади.

Аммо кимсан “она Европа” нинг қоқ биқинидаги бу давлат парламентида пўртаналиклар, даҳанаки тортишувлар, муштлашувларга чек кўйишга, тўхтатишга сиёсий ирода етишмади. Парламентдаги бебошлик, ишончсизлик, ўзаро тушуниш фалсафасининг чекланганлиги одамларни давлатнинг бу муҳим институтига муносабатини бездириб кўйди. Парламентларнинг бундай ўзини тутиши ҳар қандай сиёсий маданият тамойилларининг кўпол бузилиши эди. (бундай “безори” парламентлар Грузия, Тайван ва Лотин америкасининг баъзи давлатларда ҳам учрайди) Натижада унинг бу қиёфаси фақат мамлакатда тарафкашлик сиёсатига хизмат қила бошлади, халқ хокимиятининг депутатлик минбари фақат жангари фильмлар учун ўткир сюжет вазифасини ўташи мумкин бўлиб қолди холос. *Бошқариладиган хаос тушунчаси ва ҳатто унинг назарияси пайдо бўлди.* Қонун ижодкорлиги, парламент назорати тамойиллари ўзининг кучини деярли йўқотди. Популизмга берилиш, сиёсий сафсата натижасида сиёсий радикализмга кенг йўл очилиб кетди. Консенсусга келиш деярли йўққа чиқарилди.

...Масаланинг яна бир томони ҳозир турли геосиёсий марказлар ўз устунлигини сақлаб қолиш учун турли сиёсий мафкуравий йўлларида унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Таҳлиллар айниқса ахборий мафкуравий босим орқали улкан сарҳадларда ўз назоратини ўрнатиш мавзуси замонавий геосиёсий ўйинларда устуворлик аҳамият касб этиши тасдиқлади.

Бундай ишларга биргина "хайрия" ташкилотларигина эмас, балки сайёрадаги энг қудратли сиёсий, иқтисодий, интеллектуал, ташвиқот, дипломатик ва ниҳоят ҳарбий ресурсларга эга бўлган давлатларнинг кучлари ташланмоқда. Ҳозир дунёдаги ҳар қандай мамлакат ҳукуматини, нисбатан кўп бўлмаган маблағ сарфлаб, маҳаллий "норозилик ресурсларидан" унча катта бўлмаган, лекин яхши тайёрланган муҳолиф гуруҳлар тузиб (ташқил қилиб, молиялаштириб, тайёрлаб), "тинч куч ишлатмаслик" услубида кулатиш янги технологиялари амалда .

Инсоният тарихида аслида сиёсий радикализм ҳали ҳеч қачон барқарор , ижобий натижаларни бермаган. Инсон ҳуқуқларига риоя қилинган ва халқ фаровон ҳаёт кечирадиган давлатда сеператизмнинг пайдо бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Сиёсий амалиёт тажрибаси эса унинг таҳдиди мавжудлигини тасдиқламоқда, бундай ҳолатлар муайян сиёсий мақсадларга эришишга икониёт яратмоқда. (Испанияда “Католония” , Италияда “Венеция”, Канадада “Квебек”, Молдовада “Днестрбўйи” каби минтакаларда сеператизм билан боғлиқ сиёсий радикализм шарпаси кезмоқда деган фикрлар бор)

Олдин йирик бўлган мамлакатлар қанча майда бўлақларга бўлиниб барпо этилган бўлса, дунёни бошқариш шунча осон бўларди. Бугун “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил ” шиори янги ахборий жамиятнинг тан олишни истамайдиган , аммо ОАВнинг бугунги амалиётларида шиддат билан қўлланиладиган ғоясига айланди. Натижада бу ҳолат ОАВ нинг ўзида этник, миллий , диний радикализмнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бундай жараёнларнинг кескинлашида интернет журналистикаси ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. *Ахборотлашган жамиятда хавфсиз интернет муаммоси алоҳида тадқиқ этилиши керак. Бунинг аввалги фаслларда ҳам айтган эдик. Зеро бугун* Интернет улкан ахборот макони сифатида ахборий жамиятнинг энг замонавий шакли . Интернет замонавий демократлаштиришнинг инновацион омили. Иккинчидан жамият интернет орқали ахборот олиш вақтининг тежалиши билан боғлиқ ўзгаришларни мамнуният билан қабул қила бошлади. Айниқса ахборий жамият қуриш бўйича давлат дастурларининг зудлик билан жорий этилиши ахборот олиш даражасини, унга бўлган муносабатни ўзгартирди. Чунки яқин ўтмишимизда аҳолига ахборот узатишни фақат расмий ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий институтлар, маҳаллий ва марказий ҳукуматлар ташкиллаштириб, бошқариб келганди.

Бугунги давр Интернет орқали мафкуравий таъсир ва тазийиқ ўтказиш даврига ҳам айланиб кетди. У бугун давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали бўлмиш – миллий менталитет, маданият, одамларнинг ахлоқий эътиқоди, мустақил позициясини ўзгартириб ташлаш қудратига эга. Айтмоқчи сўнгги кузатишлар Туркияда “Твиттер” тармоғини таъқиқлаганини тасдиқламоқда. Туркия расмий доираларининг таъкидлашича давлат сири даражасидаги маълумотлар мазкур тармоқ орқали кенг жамоатчиликка етиб борган. Шунингдек миллат лидерининг шаънига доир компромат руҳидаги сохталаштирилган маълумотлар берилиши “твиттер”нинг сайтларида ўз стратегиясига эга бўлган. Муҳолифат кучлар турк раҳбариятининг бу сиёсатини Туркиянинг имиджига халқаро ҳамжамятда салбий таъсир қилади деб жар солишни бошлади. Сурия масаласида эса туркия сиёсий позициясидан кўпчилик хабардор. Бу ахборий жамиятнинг мазкур хусусиятларида бумеранглашув тенденциялари ҳақида фикрлайдиган ҳам давр келганлигидан бизни огоҳ этиши керак.

Буни араб дунёси билан боғлиқ ёшларнинг вайронкор, тажовузкор хатти-ҳаракатлари борасида берилган ахборотлардан кўп амин бўлдик. Мазкур нохуш ахборотлар оммавий мулоқот феноменига муносабатимизни ўзгартириб юборди. Чунки даставвал норозилик билан чиққан ёшлар “Твиттер” ва “фейсбук” воситасида унча катта бўлмаган таянчга эга эдилар. Лекин айти ташқи манфаатдор кучлар томонидан тилга олинган тармоқларда махсус “араб баҳори” учун тарғибот сайтларнинг яратилиши билан сиёсий аҳвол беқарорлик ва нотинчлик сари йўл олди, вазият бутунлай ўзгариб кетди. Бу билан «Фейсбук, твиттер ёшлари даври» ёшларнинг дунёқарашида ўзига хос чалкашликлар ва мураккабликлар даврини бошлаб берди. Шу тариқа Интернет орқали барқарор ахборий вазиятга салбий таъсир ўтказиш, унинг шиддатли тараққиёти эса инсон онгини манипуляциялашга жиддий дахл қилиш масаласини долзарблаштириш кун тартибидан ўрин олмоқда. Интернет воситасида ҳали ҳамон ёшлар ривожланган ғарб давлатларидан жиҳод учун Сурияга отланмоқда. Айти француз, голландиялик ёшларнинг диний радикал ташкилотлар қармоғига тушиб қолаётганлиги, улар орасида Сурияда жангари тўдаларга кириб кетганлар кўпчиликини ташкил қилаётганлиги евроньюс маълумотларида ташвиш билан айтилмоқда.

Аммо таассуфки, бугун Сурияликлар болаларнинг қарийб ярмидан кўпи таълим олишга имконияти умуман йўқ, ЮНИСЕФ нинг қайд этишича ўн мингдан зиёд ёш бола уч йиллик урушнинг қурбонига айланган. Бугун афсонавий Дамашқ сарҳадлари сунна ва шиа мазҳаби вакилларининг аёвсиз қонли тўқнашув майдонига айланиб кетди. (Мажоро даврида 146 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган, чегарадош Ливан 750 минг, Туркия 600 минг, Иордания 175 минг қочокни қабул қилган. Европа ҳудудида ҳам ўнминглаб суриялик араблар дарбадар ҳаёт кечиришга мажбур.)

Афсуски “Араб баҳори” нинг “натижалари” ана шундай намоён бўлди. Айти интернетдаги ташкил қилинган махсус akkaунтларнинг бу борада “хизматлари” катта бўлди. Буни ахборотлашган дунёни таҳлил қилаётганимизда унутишга мутлоқо маънавий ҳаққимиз йўқ.

Таҳлиллар бирон мамлакат ҳудудида "Рангли инқилоб"га одатда узок вақт давомида моддий ва маънавий тайёргарлик кўрилишини тасдиқламоқда. Масалан, “Украинада бундай тайёргарлик 1995 йилдан бошланган эди” ва фақатгина 2004 йилга келиб инқилоб биринчи маротаба, 2014 йилнинг бошида икинчи маротаба амалга ошди. Ҳар сафар “коррупциялашган давлатни йўқотдик, ҳақиқий эркинликка энди етиб келдик”- қабилдаги яна янги ваъдалар даври қайталанди. Аммо бундай “эркинликнинг” дастлабки мевасини ахборий жамиятнинг ўзи биринчилар қаторида баҳам кўрди. 2014 йилнинг 19 март куни берилган евроньюс репортажларининг бирида ультра ўнг неонацистик украин “Свобода”партиясидан депутат бўлган вакили миллий телекомпания раҳбарини сотқинликда айблаб, дўппослаб кетади. Мазкур телелавҳа кўпчиликини шошириб қўйди. Бунга ҳатто ўша даврдаги Украина бош вазири бўлган Яценюкнинг ўзи ҳам эътироз билдиришгача

бориб етди. Аслида бунга ўхшаш ҳолатлар Венгриядаги ультра ўнг, антисемит “Яхши Венгрия Учун”, Грециядаги “Олтин Уфқ” партияларида ҳам кучли.

Голландияда ҳам янги ультранацистларнинг “Озодлик” партияси фаолашиб қолди, унинг етакчиси Герт Вилдрас Голландия ҳудудини марокашлик мигрантлардан бутунлай тозалашни ўз сафдошларига очиқ билдирди. (евроньюс маълумотлари 21 март 2014) Францияда эса Мариин Лъёпен хонимнинг партияси европарламентда улар билан ўнглалар альянсини ташиқил қилмоқчи.

...Айтмоқчимизки, украин телекомпанияси раҳбарлиги ҳақоратига бағишланган репортажда радикал миллатчилик ва неонацизмнинг бу зўровонлиги зудлик билан айблангандай туюлди. Аслида “Евроньюс” майдан тўнтариши йили икки ой давомида свободачиларни “евромайдан” қахрамонлари, муҳолифатчи тинч намойишчилар қаторига киритиб роса “мияни ювиш технологиясига” ўз ҳиссасини қўшган эди. Аслида бу манаман деган зарб журналистикаси тармоқларининг ҳам Украина инқироzi даврида бошқарилиб турилганининг исботи эди. Аммо журналистикани ҳаддан ташқари бошқариб бўлмайди. Вақти келиб у барибир ўз аслига, ситихиясига қайтишини яна бир марта мазкур мисол тариқасида амин бўлдик. Бундай пайтда журналистикани медалнинг икки томонига қиёсласак хато бўлмас.

Маълумки, замонавий немислар жамияти миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишига кучли урғу бериб келмоқда. Тарихий хотира шуни талаб қилмоқда. Бу борада немис дастурчи мутахассислари панк, рок, хевиметал йўналишидаги ёшлар учун йўналтирилган оммавий кўшиқларнинг миллий, ҳарбий охангини олдинган аниқлайдиган дастур ишлаб чиқибди. Айтишларига қараганда бундай махсус кўшиқлар миллатчи кучларни (Айниқса ёшлар орасида) тез бирлаштиришга, жойларда кам сонли миллат вакиллари кўрқув, саросимага солишга хизмат қилиши мумкин экан. Москва кўчаларида ҳам асримизнинг биринчи ўн йиллик даврида бўлиб ўтган “Русский марш” юриши бунга мисол бўлади. Умуман айтганда Москва, Санкт-Петербург каби Россиянинг марказий шаҳарларида ҳам турли неонацист ёшлар ҳаракатлари мавжуд.

2014 йилнинг сўнги палласига келиб Украинанинг Днепропетровск ўлкасига “Жевис ньюс 1” телеканалининг хўжайни бўлмиш Игор Койломолский исмли бизнесмен губернатор қилиб тайинланди. Энди бу ёғига тилга олинган телеканал қандай ахборотни қай тарзда тақдим қилиши мумкинлигини англаш қийин эмас. Яқинда ушбу телеканал хабарларида ўнг миллатчи Дмитрий Ярошнинг интервьюси ёритилди (24 март 2014 й) У киши ўзини ўзга миллат қахрамонлари Шарл Де Голл, Гарибалди каби мустақиллик учун курашганлар қаторига тенглаштиришга ҳаракат қилди. Хусусан у интервьюда бизнинг нацизм, антисемитизм билан ҳеч қандай алоқамиз йўқ. Биз фақат рус империясига қарши курашадиган миллий

озодлик ҳаракатимиз, Украинада ҳар қандай яҳудий украиналик билан ёнма ён бемалол яшаши мумкин деб айтиб ўтади.

Аммо русийзабон ахборий каналлар ўн йиллар мобайнида Д.Ярошнинг чеченистонлик террорчи гуруҳлар билан яқин алоқада бўлганлигини таъкидлашмоқда. Иккинчидан, Мурзичко исмли “Правий сектор” (Ярошнинг сафдошларидан бири) боғлиқликдаги воқеаларни шарҳи ахборий жамиятнинг тамойилларини қарама қарши қилиб қўймоқда. “Мавр келди, мавр ўз ишини бажариб кетди”. Калашников автомати билан бутун дунёга таҳдид қилиб жар солган Мурзичко аслида “евромайданнинг фаол қаҳрамонларидан” бири эди. Ҳозир қандай рус коммунизминини, яҳудийчиликни, бесоқолбозчиликнинг додини бераман деган чақириқлар билан маълум муддатга машхур бўлиб турган бу шахс украин махсус хизматлари томонидан жисмоний йўқ қилинган. Аммо шу замон прокуратура ходимининг галстукидан тортиб, уни ҳақоратлаб дўппослаб кетган безори бандитни вақтида тўхтата оладиган куч топилмади. Чунки бундай инқилоб алангалаган даврда Одил суд тизими ва унинг фалсафаси саробга айланади. Оломон психологиясини манипуляция қилишнинг қулай шароити деб шуни мисол қилса бўлади. Аслида безори Мурзичконинг хатоси янги ҳокимиятга келган ҳокимият бойлигидан ўз улушини талаб қила бошлаган. Шу сабабли Мурзичко ИИВ кучлари томонидан тўсатдан бартараф этилди. Аммо шу билан бирга ушбу “янги миллий қаҳрамон” Киевда катта тантана билан дафн қилинди.(29 март 2014) Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Бу худди вақтида Марказий Осиёда фаоллашган диний экстремистик кучлар раҳбарларининг баъзи ахборот маконларида “озодлик учун курашчилар” қаторига киритилган даврларни эслатади. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Ахборот маконининг тинчлик ва барқарор тараққиёт билан боғлиқ мезонлари экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига аёвсиз муносабат билдирадиган сиёсий муҳитни тоқозо этмоқда.

Воқеалар ривожини афсуски, бундай пайтда "ахборий назоратни эгаллаш учун курашнинг барча усуллари яхши" деган ақидага амал қилинишини тасдиқламоқда. Таҳлилларга қараганда, Қирғизистон, Грузия ва Украинада "рангли инқилоблар" муаллифлари ва ташкилотчилари, ноънавий сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишган. Бундай технологиялар қўллаш эса ўз навбатида катта сарф ҳаражатларни ва олдиндан режалаштирилган, уюшган ҳаракатларни талаб этади.

Мунтазам ишлаб турувчи ахборот каналлар турли телевидение дастурларида ва интернет саҳифаларда "демократияни ҳимоялашни ҳаддан ташқари ҳоҳ Пус Райт рок гуруҳи “ойимча –қизчалари” бўладими, ёки ярим ялонғоч феминст хоним ва қизлар бўладими, бир жинслиларнинг улуғлаш хисобига бўладими –фарқи йўқ" бу каби намақбул усуллардан фойдаланиш муҳим ўрин тутилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида фақат бир томоннинг манфаатларини кўзлаб ахборот тарқатиши кучайиб кетмоқда. Бояги айтганимиздек, мисол

“твиттер сайтларида” (сайловлар олдида 2014йилнинг март ойлари) Режаб Тайип Эрдоған ҳукуматига қарши бу кураш авжига чиқиб кетди.

Ҳозирги пайтда твиттер Туркияда блокировка қилинган. Жумладан уларда турк халқ томонидан сайланган Бош вазир шаънига яна хужум қилинса “фейсбукни” ҳам ёпамиз деган қарашлар ҳам пайдо бўлди.

Айниқса твиттер блогларида қарама-қарши томонни фақат салбий томондан намоиш қилиш, оммани психологик жиҳатдан маълум даражада муҳолифат томонни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Шу билан бирга рақибни обрўсизлаштириш учун қора PR-технологиялардан унумли фойдаланилишга ҳаракатлар бор.. Масалан Мисрда “араб баҳори” кунларида аҳолининг турли табақалари учун тушуниш қулай бўлган усулларда мос фильмлар, қизиқчиларнинг чиқишлари ташкил этилди.. Одатда бундай чиқишларда рақибни ошқора масхаралашга ва шу йўл билан аҳоли кўзи олдида бирор сиёсий етакчи обрўсизлантирилишга мўлжалланади.

Шимолий Африка минтақасидаги " инқилоб" воситасида ҳукумат тепасига келган сиёсий "лидерлар" энди ўз хорижий ҳомийларига хизмат қила бошлаши керак эди. Аммо Миср шароитада “муслмон биродарлар” партиясининг ҳокимият тепасига келиши мазкур масалада акс натижани бера бошлади.Сиёсатда диний фундаментализмнинг оҳанги кучайиб кетди, мамлакатда ижтимоий сиёсий аҳвол ўнганмади, диний қарама қаршилиқ (Мисрда ўнмиллион атрофида насроний араблар яшайди) хавфи ойдинлашди.

Умуман " инқилоблар " натижасида ҳокимият тепасига келган муҳолифат давлат ташқи сиёсатини бутунлай ўзгартиришга ҳаракат қилади. Ҳарҳолда инқилобни амалга оширишда кўмаклашган ташқи кучларнинг таъсирига тушиб қолиш хавфи кучли бўлади. Янги ҳукумат томонидан "ўз ҳомийларининг" сиёсий мақсадларини амалга оширишга зўр бериб киришиш бошланади . Ташқи кучлар таҳдиди муҳим омил сифатида ўзини намоён қилади.

Шу тариқа замонавий ахборотлашган жамият шароитада ОАВ босма матбуот, радио, телевидение, кино, овоз ёзиш, интернет тармоқлари орқали сиёсий жараёнларга кучли таъсир ўтказмоқда. Сўнги ўн йилликдаги коммуникация воситалари турининг жиддий ўзгариши орқали жамоатчилик сиёсий онгига оммавий тарзда босим ўтказиб турибди.

Бу сайлов компаниялари даврида сиёсий партияларнинг ОАВ орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш, сайлов компанияларининг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, демократик қадриятлар тартиботи ОАВ мустақиллигини таъминлаш муаммоларига бевосита боғлиқ жараёндир.

Зотан айтиш ОАВ институти одамларга сиёсий ахборотни қай даражада етказа олиши орқали ўзининг жамиятдаги мавқеига эга бўлади. Оммавийлик, ошқоралиқ уни истеъмол қилувчилар доирасининг катталиги, ахборотни етказиш бўйича махсус техник қурилма ва воситаларнинг мавжудлиги, коммуникацион партнёрлар билан вақт ва маконда ҳамкорликнинг чегараланганлиги мазкур фикрларнинг тасдиғидир. Ўзбекистонда кучли

фуқаролик жамиятини ривожлантириш муаммолари айнан ОАВнинг юқорида таъкидланган хусусиятлари билан белгиланмоқда. Бугунги кунда турли сиёсий партиялар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотларнинг ўз матбуот органлари орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир ўтказиш масаласи юқорида қайд қилинган тенденциялардан келиб чиқади.

Сиёсатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган жамоавий табиати ОАВ институтлари, яъни, босма матбуот, радио, телевидение, кино, овоз ёзиш, видео ёзиш орқали шаклланади. Сўнги ўн йилликда коммуникация воситаларининг жиддий ўзгариши натижасида сунъий алоқа, кабель телевидениеси, радио ва бошқа электрон коммуникация тизимлари ҳам сиёсий онгга таъсир қила бошлади. Жамоатчилик фикрини сиёсий компаниялар даврида сиёсий партияларнинг матбуот нашрлари орқали шакллантириш одатий тусга айланди. Аммо шу билан бир қаторда сиёсий компанияларининг информацион психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммоси долзарб мавзуга айланди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг самараси кўп жихатдан мамлакатдаги медиа-бозорнинг ҳозирги ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жаҳон амалиётидаги медиа бозори тараққиётининг асосий тенденциялари буни тасдиқлайди. Кўпгина мамлакатлардаги сиёсий сайловларда ОАВнинг асосий қисмини медиа империялар таъсирида бир ҳовуч олигарх бизнесменлар ва сиёсатчилар қўлида қолиб кетаётганлиги ОАВ учун курашни сиёсий ҳокимият учун кураш даражасига олиб чиқмоқда.

Миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун ОАВнинг сиёсий функцияларидан қандай фойдаланиш керак?

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ОАВ орқали сиёсий институтлар фаолиятида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ. Айнан, ОАВ орқали демократик тамойиллар жамиятда кадриятга айлана боради. Қонунларни барча учун баробар хизмат қилишга олиб келиши эса жамиятнинг сиёсий тизими ва ҳокимият фаолиятининг барча тармоқларини демократлаштиришга олиб келади. Бу ўз навбатида ижро ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш жараёнларининг вакиллик ҳокимияти органлари томонидан назорат қилинишини кучайтиради. ОАВ структуралари фаолиятида фуқароларнинг демократик жараёнларга жалб қилишнинг ўзига хос психологик моделини яратиш мазкур жараёнларда устувор масала эканлиги, жумладан ОАВда эгаллик туйғуси, ижтимоий ташаббускорлик масалаларига эътиборни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётига оид сиёсий ахборотларни етарли даражада олиши давлат органлари фаолиятида ошқоралик, сиёсий сайловларда соғлом сиёсий кучлар рақобати, фикрлар хилма-хиллигида соғлом муносабатни шакллантириш ОАВ олдида турган муҳим вазифадир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Даавлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг моҳиятини қандай тушунтирасиз?
2. Ахборот урушининг асосий мақсади нима?
3. Геосиёсий жиҳатдан ахборий хавфсизликка тизимли ёндошувни шарҳлаб беринг.
4. “Рангли инқилоб” ташкилотлари қандай технологияларга кўп эътибор беришади?

4-Мавзу: Яқин келажак ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган сиёсий прогнозлар. Маданий ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш ва уларни илмий асосда талқин қилиш. Миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлат имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намояндалар қарашларни ва уларнинг назарий мероси

Режа:

1. Мавзуни ёритишда рақобатда ахборот билан ишлаш омилининг ўзига ҳослиги

Таянч сўзлар: Геосиёсий тадқиқотлар, халқаро тинчлик, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, глобал барқарорликни сақлаш

1. РАҚОБАТДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ ОМИЛИНИНГ ЎЗИГА ҲОСЛИГИ

Бугунги кунда цивилизациялар, мафкуравий, миллий манфаатлар тўқнашуви муаммога айланаётган бир пайтда Ўзбекистонда халқаро журналистларни тайёрлаш, уларнинг глобал муаммоларни ёритишдаги самарали иштирокини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Зеро геосиёсат асри ахборий-мафкуравий тарғибот технологияларини ОАВ коммуникациялари тараққиётига ҳамоҳанг равишда қабул қилиши билан намоён бўлмоқда. Айниқса интернет ва телемедианинг янги шакл-тамойиллари мунозарали ахборотни ҳаққоний ахборот даражасида етказиш технологияларини амалиётга шиддатли равишда тадбиқ этиш даврини бошлаб юборди. Бу ўз-ўзидан ахборотни ҳаққоний етказиш масаласини янада долзарблаштиради. У кўп жиҳатдан ахборий- мафкуравий курашчанликнинг замонавий тамойилларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб қолишини тасдиқламоқда.

Геосиёсий тадқиқотларнинг ОАВ орқали мунтазам берилиши эса мавжуд муаммолар ва ютуқларни аниқлаб олиш жараёнини тезлаштиришга имкониятни кучайтириб боради.

...Жаҳон сиёсатидаги юз бераётган сўнгги жараёнларга синчиклаб қараганимизда бир-бирини тўлдирувчи ҳамда шу билан бир қаторда бир-бирини рад этувчи қудратли ахборот тўлқини юзага келганига амин бўлаяпмиз. Ҳатто янгиликлардаги ахборот тўлқини туфайли ғарбдаги бир-бирига ўта яқин стратегик ҳамкорлик анъаналарига путур етказилишига бир баҳя қолди. Яъни, геосиёсат асрида умум хавфсизлик билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасида жиддий мунозарали вазият юзага келганидан воқиф бўлдик. Чунки океан ортидаги қудратли давлатнинг Европа Иттифоқи етакчи давлатлари лидерлари ортидан зимдан қўйилган ахборот назорати айни шу масала бўйича эҳтиросларни янада жунбушга келтирди. Бундай нохуш фактлар туфайли ЕИ минтақаси билан боғлиқ халқаро муносабатлардаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ришталарига раҳна солингандай бўлди. Жумладан халқаро тинчликни таъминлашга бел боғлаган халқаро коалиция етакчилари бундай хавфсизликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатлар ўртасида муносабатларнинг совуқлашишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида баёнотларни эҳтиёткорлик билан билдиришди. Ҳозир биргина шу можаро туфайли 60 миллионга яқин Испанияда, Италияда 42 миллионга яқин ахборот дахлсизлиги тамойили қўпол бузилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Мазкур вазиятга айни терроризмга қарши кураш ва ўз давлатининг иқтисодий манфаатлари самарасини таъминлаш билан боғлиқ баҳонаи сабаблар рўқач қилинди, холос. Стратегик шерик давлатларнинг муносабатларида аҳвол шундай бўлса, халқаро ҳамжамият учун буёғи қандай кечади? Келажакда глобал барқарорликни сақлаш, давлат суверинетети дахлсизлигини таъминлашда ахборотнинг ўрни масаласи қандай кесимда бўлади? мазмунидаги саволларни долзарблаштиради.

Аслида бизлар томон келаятган ахборот оқимининг моҳиятини ақл – идрок, тафаккур кўзгусига солиб тўғри тушуниб олишга ўргатиш ва ахборотларни филтрлаш қобилиятини шакллантириш айни шундай ходисалардан сабоқ чиқаришдан бошланиши керак. Чунки кўз ўнгимиздаги демократия, халқаро ҳамкорликнинг эталони сифатида танилган давлатларнинг ўзаро ахборот хавфсизликни таъминлаш йўлидаги келишмовчиликлари бизларни хушёрликка яна бир бор даъват этмоғи жоиз. Бу ҳар қандай янги мустақил давлат ёш журналистлари олдида катта сиёсий хушёрлик, сиёсий саводхонлик ва ахборот дунёси ўзгаришларини кузатиш йўлида улкан илмий изланишларни тақозо қилади.

Қолаверса ёш журналистлар авлоди билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсати – бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантиришни талаб этади. Халқаро журналистларимиз олдида

ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо қилувчи билимларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Журналист тафаккурида ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган кадриятга айланиб бормоғи лозим деб кўп таъкидладик. Айтмоқчимизки, рақобат асрида ахборот феноменига комплекс ёндошув туфайлигина журналистларда давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш ва бошқариш бўйича назарий билим ва амалий кўникмалар шаклланиб боради, уларда ахборот хуружи даврида тажовузкор таҳдидларга қарши фидоийлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан жавоб бериш кўникмаси шаклланади, мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши кураша олиш инстинктини кучайтириш долзарблигича қолади.

Юқорида тилга олинган Европа лидерлари устидан назорат (бу ўринда 35 та давлат етакчиси ҳақида гап бормоқда) машмашаси ахборот ва телекоммуникацион тизимларга ноқонуний эга бўлишнинг олдини олиш, ҳимоя қилиш, ОАВ соҳасида фуқаро ва шахснинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситаларини ички ахборот бозоридан чиқиб кетишнинг олдини олиш, маънавий кадриятларимизни ҳимоя қилиш, аҳолининг ижодий, маънавий, руҳий салоҳиятини авайлаб асраш, ахборотдан дезинформация ва ахборотни сохталаштириш мақсадида фойдаланишларнинг олдини олиш доирасидаги илмий-назарий концепцияларга заруриятни кучайишини билдиради.

Айни пайтда ахборот асри шиддати илмий –назарий қарашларимизда давлат ахборот сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг моҳияти, шунингдек ахборот соҳасидаги ўзгариш ва жараёнларни давлат бошқаруви орқали амалга ошириш муаммоларини асосий йўналишларга айлантиришни талаб этмоқда.

Жумладан таҳлиллар ахборот хуружи шароитида шахс, жамият ва давлат манфаатлари, ахборот-психологик таҳдид шароитида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигига таҳдидларнинг турлари, ахборот таҳдиди шароитида давлат ахборот сиёсатини олиб боровчи тармоқлар, давлат ахборот хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган кучли давлат ёрдами ва хориж тажрибаси- ахборот хавфсизлигининг ўзига ҳослиги, унинг анъанавий хавфсизликни таъминлаш усулларида фарқ қилишини кўрсатиб бериши керак. Шу тариқа давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари қаторига илмийлик, умумий тизимийлик, яхлитлик, ҳуқуқийлик, моддий-техникавий таъминланганлик, ахлоқийлик принципларининг жадал тусда

кириб бориши илмий назарий қарашларимизни услубий жихатдан ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Ахборот-психологик таҳдиднинг дастлабки босқичида қаршилик кўрсатиш, бундай тажовузкор тадбирлар аниқланганда тезкорлик билан муносабат билдириш шarti ахборот-психологик қарама-қаршиликнинг сиёсий шакл, восита ва методлари нақадар мураккаб ва ранг баранг эканлигини ҳис қилишни тақозо қилади.

Биз келажак авлод тафаккурида жаҳон ахборот маконида қатор геосиёсий куч марказлари томонидан Ўзбекистоннинг манфаатларини камситишга бўлган уринишлар, халқаро террористик ташкилотлар фаолияти, давлат ахборот хавфсизлиги йўналишларининг характеристикаси, мамлакат иқтисодий тузилмаларининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи дастурига талаблар, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги қадрияти каби мавзулар - янги ахборий барқарор жамиятни қуриш мафқурасида акс этиши заруратини англаиб боришимиз даркор.

Шу билан бир қаторда ахборот технологиялар ва ресурсларни қўлга киритиш учун халқаро рақобатнинг кучайиши ёшлар билан боғлиқ жараёнларга таъсирини ўтказиб бормоқда. Халқаро террористик, диний, миссионерлик ташкилотларининг фаолияти ҳали ҳамон тўхташи қийин. Таҳлилларда баъзи бир давлатлар томонидан “ахборот хуружи” концепцияларининг ишлаб чиқилиши эса Ўзбекистоннинг сиёсий мавқеи бўйича хорижда дезинформацияни тарқатишга, айти пайтда бошқа янги мустақил ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларда хорижий давлат ва тижорат корхоналари маҳкамаларининг саноат айғоқчилиги соҳасида фаолиятининг фаоллашувига сабаб бўлганлиги берилмоқда.

Бугунги геосиёсий жараёнларнинг глобаллашуви ҳамда минтақаларда геосиёсий рақобатнинг кучайиши ахборот омили таҳдидларининг ўзига ҳослиги яққол кўзга ташланаётир. Ҳар ҳолда ташқи сиёсатнинг ахборот таъминоти – давлатнинг стратегик мақсади айланиб улгурди. Айниқса геосиёсий рақобатни аниқ илмий англаш - “сохта демократия” тарафдорларининг мақсади, улар фаолиятининг ахборот маконидаги ўрнини, манбаларнинг ҳаққонийлиги масаласини жиддийлаштирмоқда.

Бундан буён ахборий қарама-қаршиликнинг объект-субъектлари тўғрисида жадал талқинларни кучайтириш муҳимлигича қолаверади. Давлатлар, иттифоқчилар ва коалициялар, халқаро ташкилотлар, нодавлат ноқонуний ҳарбий бирлашмалар, террористик, экстремистик, диний радикал, сиёсий радикал йўналишдаги ташкилотлар, трансиллий корпорациялар, виртуал ижтимоий жамиятлар рақобат асридаги ёшлар тафаккурига таъсир ўтқишга асосий бел боғлаган институтлардир.

Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари орқали электрон разведка даври кучаймоқда. Виртуал коалициялар эса ахборот-психологик жараёнларни ташқаридан бошқаришда асосий кучга айланиб улгурди.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот билан ишлаш - ОАВ структуравий бўлинмалари самарадорлигини оширишнинг янги тамойиллари

талаб этади. Мудофаа, ҳужумга ўтиш, сон жиҳатидан кўп бўлган ахборотдан фойдаланиш, сифат тамойили ва ахборот менежментга асосланиш, жуда катта ҳажмдаги информацияни сингдириш, ахборот маконига синергетик позицияда ёндошишни кучайтириш, кибермакондаги ахборотга таъсир қилувчи анъанавий иштирокчиларни аниқлаш, тармоқли инфраструктура ва информатсион оқимларни назорат қилиш, ўз ташқи сиёсий стратегиясида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш тамойиллари шулар жумласига киради.

Рақобат асри сифатли ва ишончли ахборот танлаш муаммосини юзага келтирди.

Бу эса ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, махфий-конфиденциал ахборот, ахборотни ҳимоя этишнинг ташкилий усуллари, маънавий, ахлоқий, қонуний воситаларига эътиборини кучайтирмоқда. Алоқа каналларида ахборотни ҳимоялаш, бутунжаҳон “ўргимчак тўри” ва кибертерроризмнинг вужудга келиши Ўзбекистон журналистикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнини белгилаб бермоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ахборот манбаларидан фойдаланиш, ОАВ фаолиятида ахборот хуружининг ижтимоий сиёсий ифодасини ёритиш, таҳлил ва талқинларда журналистиканинг асосий тамойилларига амал қилиш, ОАВнинг ахборий-мафкуравий таъсир қилиш технологияларини такомиллаштириш муаммоларини таҳлил этиш бугунги куннинг долзарб мавзусидир.

Хусусан ёшлар тафаккурига ОАВ орқали таъсир қилишда ҳаққоний ахборотни манипуляция қилиш технологияси юзага келганлигини айтмоқчи эдик. Манба ва мавзуларнинг тарафкашлик билан танланиши, эфир вақтини ҳақиқий ахборот фрагментларга непропорционал тақсим этиш, тақдим этилаётган ахборотнинг фрагменталлиги ёш аудитория эътиборини ҳаққонийликдан чалғитишга олиб келмоқда.

Аҳолининг ахборот қабул қилиш жараёнларида манфаатли вақтини танлаш (айниқса, компромат материалларни тақдим этишда), шарҳлашда ҳиссиётга берилиш, шарҳларда жамият томонидан ҳурмат қилинадиган шахслар фикридан фойдаланиш, телебошловчи сифатида кўркам, келишган қомат билан одамларни жалб қилиш, муайян мақсадни кўзлаган ҳолда ахборотни тақдим этиш, ахборотни махсус монтаж қилиш, ахборотни муайян гуруҳга йўналтирилган ҳолда етказиб бериш, аҳолининг ҳудудий, миллий, диний ва ижтимоий белгиларга қараб ахборотни йўналтириш, видео лавҳаларни узатишда компьютер графикаси, давлат ва жамият арбоблари нутқларини сунъий синтезлаштириш таассуфки бугун кун рақобатининг салбий кўринишидир.

Натижада ижтимоий онга беқарорлик (ишончсизлик, кўрқув элементларини олиб кириш), ОАВнинг ижтимоий фикр сўровномаларини манипуляция қилиш воситалари, муайян шахс ва жамиятга тазйиқ, кўрқитув, ультиматум ва таҳдидларни етказиш учун ОАВдан инструмент сифатида фойдаланиш, етакчи давлатлар томонидан ўз маданиятини ташвиқот билан ОАВ орқали кўз-кўз қилиш тенденциялари - ахборот хуружлари даврида

журналистларнинг манбалар билан ишлаш учун методологик йўналиш бермоғи тўғрисида айтилмоқда .

Шу тариқа ахборотга эгалик қилиш дунёда аҳамияти жиҳатидан биринчи ўриндаги воситага айланмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Рақобат асрида ахборот феномени деганда нималарни тушундингиз?
2. Журналист фаолиятида ахборотларни филтрлаш қобилиятини шакллантиришнинг илмий мезонларини шарҳлаб беринг.
3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий йўналишларини гапириб беринг.

5-МАВЗУ: Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги фаолияти. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари.

Режа:

1. Геосиёсат ва журналистика: ташқи сиёсат моҳиятини таҳлил этишнинг замонавий тенденциялари

***Таянч сўзлар:** Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, халқаро ташкилотлар фаолияти. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари*

Замонавий илмий сиёсий таҳлилларда геосиёсат ва журналистика тушунчаси тобора кўп ишлатилиши юз бермоқда. Аммо бизларда геосиёсий муаммолар атрофидаги илмий муаммоларни тадқиқ этишнинг ривожланиш босқичлари, унинг ўзбек миллий сиёсий-фалсафий мактабида тутган ўрни, ривожланишга хос белгилари, хусусиятлари ва қонуниятлари етарли даражада ўрганилмаган. Геосиёсий муносабатларнинг ОАВда акс этиш жараёни, унинг мукамал технологияси борасидаги масалалар Республикаимизнинг илмий жамоатчилигида ўта илмий муҳим муаммолар билан боғлиқ ҳолда ҳали ўз ечимини тўлиқ топмаган. Бу жараён бошланғич паллада турибди.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда геосиёсий хариталар ва жадваллар, турли даврларда яратилган геосиёсий назариялар ҳали жиддий ўрганилганича йўқ. Шунингдек геосиёсат ва журналистика муаммоларига дахлдор дарсларнинг самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистонлик мутахассислар хорижий мактабларнинг тажрибасига муҳтож.

Ҳолбуки геосиёсатнинг фан сифатида умум гуманитар фанларнинг тамойилларига уйғунликда намоён бўлиши ва журналистикада унинг бевосита сиёсат маҳсули тариқасида ёритилиши ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусий томонларини ўрганишни тақозо қилмоқда.

Хориждаги етакчи журналистларни тайёрловчи мактабларнинг бевосита геосиёсатни ўқитиш технологияси бўйича қатор муаммовий илмий тадқиқотлар билан танишиб чиқишимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айни пайтда геосиёсатнинг мафкуравий моҳияти тўғрисида фикрлайдиган бўлсак, у ҳолатда бошқа давлатлардаги ишлаб чиқилган назарий мафкуравий концепциялар жиддий танқидий руҳда кўздан кечирилиши назарда тутилади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг кўп йиллар мобайнида халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида фаолият юритишга йўл қўйилмаганлиги бизда ўз-ўзидан мазкур соҳа бўйича кучли анъаналарга эга бўлган илмий-назарий мактабнинг яратилишига ғов бўлган эди. Масаланинг айнан шу жиҳати бу борадаги ҳар қандай саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланиши, қолаверса унинг мафкуравий, ғоявий концепцияси ўз вақтида илмий жамоатчиликка илмий асосланган ҳолда тўғри ва тез белгилаб берилишини тақозо қилади. Зотан Ўзбекистон манбашунослик,

ҳуқуқшунослик, тарихнавислик, археология, фалсафа, мантиқ, сиёсат фалсафаси, бадиият ва шунга ўхшаш жуда кўплаб гуманитар фанларнинг бешиги ҳисобланади. Геосиёсий қарашлар эса мустақиллик даврида бизларнинг сиёсий тафаккуримиз учун мутлақо янги бир сиёсий илм тарихида кириб келди. Хусусан Президентимиз Ислам Каримов томонидан ташқи сиёсат мустақиллигига доир мустаҳкам илмий-сиёсий, назарий пойдевор яратилиши билан мазкур бўшлиқни тўлдиришга имконият яратилди. Бугунги кунда геосиёсат фани муайян минтақа ва давлатларнинг географик жойлашуви, уларнинг чегаралари, табиий ресурслари, жаҳон сиёсий саҳнасида тутган мавқеи, шунингдек, уларнинг геосиёсий имкониятлари ва истикболлари билан боғлиқ сиёсий жараёнларни ўрганмоқда. Ўз навбатида ҳар қандай мустақил давлат ўз ривожланиш стратегиясида геосиёсатни жиддий тадқиқ этиш йўлига ўтиб бормоқда.

Бугун Ўзбекистонда деярли ҳар бир вазирлик ёки маҳкама, муассаса ва идоралар, у ёки бу даражада халқаро ташиқлотлар орқали, икки томонлама ёки кўптомонлама шартномалар, келишувлар доирасида ташқи сиёсатни амалга оширадilar. Аммо, ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Ташқи ишлар Вазирлигига тўғри келади. У ташқи сиёсат ва дипломатиямизнинг характерини белгилайди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги - ташқи иқтисодий алоқаларни асосий йўналишини амалга оширади.

Бунда айни журналистика соҳасида ташқи сиёсатни ёки ташқи иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида, нафақат тор доирадаги муассаса манфаатлари, балки давлат манфаатларидан ҳам боҳабар қилиш таъминли муҳим хусусиятга эга.

Маълумки Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясида шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ҳаётини муҳим манфаатлари ва миллий хавфсизлигига таҳдидлар, ҳар бир соҳа доирасида аниқлаштирилиб, белгилаб берилган. Бундай шароитда қайси манфаат давлат хавфсизлигини таъминлашда асосий манфаат ҳисобланади? - деган саволга жавоб топиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Албатта, асосий ва баҳсни талаб этмайдиган манфаат - Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини ва ҳудудий бирлигини сақлаб қолишдан иборатдир. Бу манфаат доимий ва ўзгармасдир, у барча манфаатлардан устун туради.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, мафкуравий, геосиёсий манфаатлар ўзгарувчан бўлиб, доимий равишда мукамаллашиб боради. Бу борада асосий манфаатларни таъминлаш биринчи навбатда давлатнинг ҳарбий салоҳиятига боғлиқ бўлса, қолган мукамаллашиб боровчи манфаатлар турли хил шарт-шароитларга, омилларга ва давлатнинг турли сиёсий институтлари фаолиятига боғлиқ деган қарашлар мавжуд.

Бизларга эса давлатнинг иқтисодий манфаатларини ташқи сиёсий воситалар билан амалга ошириш (маълум масалада халқаро даражада музокара олиб бориш, битимга келишиш ва иттифоқ тузиш, ўзининг ёки рақобатчисига ҳарбий ёки сиёсий тазйиқ ўтказиш ва ниҳоят ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш,

ҳудудни босиб олиш, аннексия ва контрибуция) каби чора тадбирлари азалдан маълум.

Ҳозир бундай ёндошувлар етакчи давлатлар ташқи сиёсатида яққолроқ намоён бўлмоқда, чунки кўп ҳолларда ташқи сиёсатда иқтисодий манфаатлар, кўпгина бошқа давлатларнинг ташқи сиёсатига нисбатан биринчи даражага чиқмоқда..

Мамлакат ташқи сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ва бу борада алоҳида масъул бўлган давлат органлари тизимида Ташқи ишлар вазирлиги марказий бўғин вазифасини бажариши ва бу борада умумий фаолиятни мувофиқлаштирувчи сифатида алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш тегишли давлат органлари зиммасига юклатилган ва улар мамлакат миллий манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилиш ва илгари суриш, ўз олдиларига қўйилган мақсад ва вазифаларни изчил амалга ошириш учун ўзаро келишилган, мувофиқлаштирилган фаолият олиб боради. Мамлакат ташқи сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида амалга оширилади. Президент давлатнинг халқаро ва минтақавий масалалар буйича стратегик мақсад ва вазифаларини белгилаб беради ҳамда давлат раҳбари сифатида халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг давлат ташқи сиёсат стратегиясини амалга оширишдаги ўрни ва роли ортиб бормоқда. Парламентнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришда, мустаҳкамлашда, етук хорижий мамлакатлар билан парламентлараро алоқаларни ривожлантиришда тутган ўрни бекиёсдир .

Ташқи тадбирларни мувофиқлаштириши қуйидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади:

- Ташқи ишлар вазирлиги ёки айнан шу ишни бажарадиган маҳкама;
- Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти -давлатимиз ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ва вазифаларини, ўрта ва узок истиқболда Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берди. Унинг фаолияти халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки якуний актига ва бошқа тегишли ҳужжатларга мос келади.⁴

⁴ Қаранг. Қадр –қимматим, таянчим , ва ифтихоримсан Мустақил Ўзбекистон. Т. “ Маънавият.2013.

Айни қонун доирасида қабул қилинган Концепциянинг Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисидаги баёнида қуйидагилар белгилаб қўйилди:

- дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга ҳамда умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга риоя этишга содиқлик;
- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик;
- тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, чегаралар дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик тамойиллари.

Ташқи сиёсатнинг қолган субъектлари, заруратдан келиб чиққан ҳолда, юқорида кўрсатилган маҳкамаларнинг назоратида Ўзбекистон ташқи сиёсатини шакллантиришда қатнашиши мумкин. Чунки мазкур маҳкамаларнинг фаолияти, ташқи сиёсатни муҳим муаммоларидан иборат бўлган барча комплекс масалаларни ўз ичига олади. Юқорида кўрсатилган сиёсий институтлар, шунингдек халқаро ва иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришида вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда, давлат манфаатларидан келиб чиқиб унга таъсир ўтказиш мумкинлиги аниқлашади.

Шундай қилиб, геосиёсат асрининг бугунги таҳлили глобал тифиз ахборотлашган жамият шароитида турганлигимизни тасдиқлаётир. Жаҳон ҳамжамиятидаги шиддатли ўзгаришлар инсонларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида улкан эврилишларни назарда тутмоқда. Албатта буларнинг барчаси ахборотлашган жамиятнинг шаклланиш шароитида аниқ бир ўлчамга эга бўлган давлат ахборот сиёсатига эътиборни кучайтиради. Айниқса, унинг аҳамияти ахборот кураши кучайган пайтда янада сезилади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳасидаги давлат сиёсати ахборот хуружлари кучайган бир даврда қатор ташқи давлатлар томонидан ахборот таҳдиди концепцияларининг ишлаб чиқилишини ташқи таҳдид даражасида кўриб чиқишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон давлат ахборот сиёсатини амалга оширишнинг асослари бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилиши- давлат ахборот сиёсатининг ахборот хуружлари даврида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг асосий компоненти тариқасида кўришни белгилаб беради.

Шу билан бир қаторда таҳлиллар бугунги ташқи сиёсий тарғиботнинг умумий тамойиллардан фойдаланишнинг самараси паст эканлигини кўрсатмоқда. Бундай шароитда давлат ахборот сиёсати ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хусусиятларини, асосий омилларини, айниқса, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ахборий-мафкуравий жиҳатларидан етарли фойдаланиш бўйича тажриба ва малакага эга бўлиш ҳамда ОАВ институтларини бошқарувида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистон турли ахборот хуружига қарши тура оладиган давлатнинг самарали тизимини янада такомиллаштириш- миллий журналистиканинг мафкуравий асосларини илмий жиҳатдан бойитиш эҳтиёжини қондиради.

Чунки айна геосиёсий таҳлиллар туфайли ахборот хавфсизлигини таъминлаш тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий-руҳий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Геосиёсий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот омили муҳимдир. Бунда минтақаларда геосиёсий рақобатнинг кучайиши ҳамда ахборот таҳдидларининг ўзига ҳослиги, ташқи сиёсатнинг ахборот таъминоти – давлатнинг стратегик мақсади ҳисобланиши керак. Ҳозир мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот омили геосиёсий рақобат муаллифлари бўлмиш “сохта демократия” тарафдорларининг мақсадига айланганлиги кўп таъкидлаяпмиз.

Улар фаолиятининг ахборот маконидаги ўрнини англаш, геосиёсий ахборот алмашинувида муҳим позиция ҳисобланади. Шу тариқа ахборот хуружлари даврида манбаларнинг ҳаққонийлиги масаласи жиддийлашади.

Геосиёсий даъволар ОАВ феноменига кучли таъсир ўтказмоқда. ОАВ орқали геомафкуравий мақсадларни олдинга суриш жаҳон тажрибасида ахборий маконларнинг геосиёсий рақобатини яққол номоён қилади. Ахборий қарама-қаршилиқ, ахборот ассимметрияси, ахборий устунлик, ахборий қарама-қаршлиқнинг объектлари, субъектлари деган янги тушунчаларни амалиётга жорий қилинмоқда. Давлатлар, иттифоқчилар ва коалициялар, ҳалқаро ташкилотлар, нодавлат ноқонуний ҳарбий бирлашмалар, террористик, экстремистик, диний радикал, сиёсий радикал йўналишдаги ташкилотлар, Трансмиллий корпорацияларнинг манфаатларини ифодалайдиган- виртуал ижтимоий жамиятлар юзага келди.

Айна оммавий ахборот ва коммуникация воситалари, виртуал коалициялар томонидан ахборот-психологик жараёнларни ташқаридан бошқариш амалиёти ҳам таассуфки бугунги куннинг янгилиги эмас. Шу туфайли ташқи сиёсий - ахборий таҳдид геосиёсий мақсадларни амалга ошириш воситаси, жумладан ташқи сиёсатни амалга оширишнинг ўзига хос замонавий шакли сифатида номоён бўлмоқда. Ташқи сиёсат стратегиясини ҳаётга татбиқ этишда тизимли тарзда тегишли ахборот-таҳлил ишларини ташкил қилиш ва интенсив ривожлантириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак ҳалқаро майдонда, мамлакатимиз теварак-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ривожини узлуксиз мониторинг қилиш, миллий хавфсизлигимиз ва манфаатларимизга таҳдид солаётган ёки солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, олдиндан кўра билиш ҳамда чуқур таҳлил этиш тенденцияларини аниқлаб бориш – ўзбек ҳалқаро тизими таҳлил мактабининг долзарб вазифасидир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

4. Рақобат асрида ахборот феномени деганда нималарни тушундингиз?
5. Журналист фаолиятида ахборотларни филтрлаш қобилятини шакллантиришнинг илмий мезонларини шарҳлаб беринг.

6. Ташқи сиёсатни таҳлил этишнинг замонавий тенденциялари ҳақида гапириб беринг.
7. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий йўналишларини гапириб беринг.
8. Ахборот асри геосиёсат ва журналистика фанининг предмет майдонига қандай таъсир ўтқазди?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

МАШҒУЛОТ ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув технология модели

Машғулот соати – 90 дақ.	Ўқувчилар сони: 9-10 киши
Ўқув машғулот тури	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув машғулотни олиб бориш 2. Билимларни актуалиги 3. Кичик гуруҳларда органайзерлар билан ишлаш 4. Натижаларни намойиш этиш 5. Баҳолашни энг яхши усулларини танлаш ва муҳокама қилиш. 6. Яқунлаш. Гуруҳ ва талабаларни машғулотдаги ўзлаштириш даражасига кўра баҳолаш.
<p>1. Ўқув машғулот мақсади: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси турларини кўникмаларини чуқурлаштириш. Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси умумий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш; Мафкуравий педогогик ташхис қўйиш учун ҳаракат алгоритминини тўғри танлаш; Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси мустақил анализ бера олиш;</p>	
Ўқувчининг вазифалари: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш сабабларини чуқурак ва кенгрок ўрганиш. Ёшларда мафкуравий иммунитет синдроми билан келган	Машғулот жараёни натижаси: Органайзерлар билан ишлаш натижасида талаба қуйидаги кўникмаларни эгаллайдилар: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш

<p>ёшлар ҳолатини баҳолаш ва жараёни таҳлил қилишни шакллантириш, бефарқлик, лоқайд фукороларни бирламчи босқич даражасида қиёсий ташхислаш, шошилиш тарбиявий ёрдам кўрсатиш ўз вақтида мафкуравий профилактика ишларини ташкиллаштиришни олиб бориш.</p> <p>Режалаштирилган ўқув жараёнини натижаси – органайзерлар билан ишлаш натижасида талаба қуйидаги кўникмаларни эгаллашга ёрдам бериш:</p>	<p>сабабларини чуқурак ва кенгрок ўрганеди. Ёшларда мафкуравий иммунитет синдроми билан келган ёшлар ҳолатини баҳолаш ва жараёни таҳлил қила олади, қиёсий ташхислаш, шошилиш тарбиявий ёрдам кўрсатиш ўз вақтида мафкуравий профилактика ишларини ташкиллаштира олади.</p>
<p>Ўқитиш усуллари</p>	<p>Органайзерлар, амалий усул</p>
<p>Ўқитиш жихозлари</p>	<p>Органайзерлар, методик қўлланмалар</p>
<p>Ўқитиш тури</p>	<p>Мустақил, гуруҳ билан</p>
<p>Ўқитиш шароити</p>	<p>Кичик гуруҳлар билан ишлашга мослаштирилган техник жихозланган аудитория</p>
<p>Мониторинг ва баҳолаш</p>	<p>Кузатиш, блиц сўров, презентация, баҳолаш.</p>

Таълим технологияси асосан ушбу фан бўйича таҳсил берадиган педагог-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

ФАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Дунёнинг сиёсий-мафкуравий манзараси, унда кечаётган ғоявий курашлардан кўзланган туб мақсад-манфаатларнинг асл қиёфасини очиб бериш;

- Ёшларда сиёсий жараёнларни таҳлил этиш доирасида тарихий хотира, маданий меросга ҳурмат, миллий ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлаган ҳолда уларда ўз куч ва имкониятларига таяниб яшаш ҳиссини шакллантириш;

- Ёшларда ташқи сиёсий таҳдидларга, “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли хил хатти-ҳаракатларга нисбатан доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

- Глобал сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ёритган ҳолда бу жараёнларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини таҳлил қилиш;

- Давлатимизнинг виждон эркинлиги соҳасида олиб бораётган сиёсатини ҳамда унинг амалий натижаси бўлмиш, қарор топган диний бағрикенглик муҳитини ёшлар орасида кенг ёйишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

- Турли давлатларининг миллий сиёсатидаги тотувликни мустаҳкамлаш томон қаратилган тадбирларнинг моҳиятига эътиборни кучайтириш;

- Соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида сафарбар қилишга, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга яна ҳам катта эътибор бериш;

- Ёшлар онгида озод шахс ва эркин фуқаронинг асосий жиҳатларини шакллантирган ҳолда уларни мустақил фикрлашга ўргатиш орқали уларда Ватан тақдирига маъсуллик туйғуларини шакллантириш;

- Ғоявий курашчанликнинг негизлари ҳақида билим ва тушунчаларга эга бўлиш орқали ёшларда тарихий хотира, дахлдорлик, маънавий жасорат, буюк келажак учун маъсуллик, миллий ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлашдан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланишини кўзда

тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштириш жараёнида маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни назарда тутаяди.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари. Ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини шакллантириш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолият кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларидан биридир. Бу жараён илмий билимларнинг объектив қарама-қаршилиги ва уларни ҳал этиш усулларини аниқлаган ҳолат, диалектик тафаккурни ҳамда ушбу усулларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий восита ва усулларини қўллаш – бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиш услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзули, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган) таҳлил, илмий анжуман, аниқ вазиятларга ёндашув), мунозара, муаммоли услуб, пинборд, ақлий ҳужум, тезкор сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усулларини ўз ичига олади.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, поллог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар) билан бир қаторда – чизмали органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: талабалар билан тезкор ва фаол мулоқотга асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тезкор ва фаол алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: тезкор сўров, ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти бошқичларини белгилаб берадиган технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.


Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотлари давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишнинг натижалари режали тарзда кузатиб борилади. Машғулотларнинг охирида тест топшириқлари ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади

МАСАЛАЛАР ВА МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ
АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ЎҚУВ
ТОПШИРИҚЛАР

Мавзу: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси .

1-ўқув топшириқ

“Ахборот соҳаси ” сўзига кластер тузинг




2-ўқув

топшириқ

Жадвални тўлдириш

«Нима учун» органиайзерни тўлдириш



Нима учун?

3-ўқув топшириқ

«Т-схема» жадвалини тўлдириш

Ахборот хуружи ва унга хос бўлган	“Оммавий маданият” ва унинг
-----------------------------------	-----------------------------

хусусиятлар	кўринишлари

4-ўқув топшириқ

ФСМУ жадвалини тўлдириш

Савол	“Интернет – мафкуравий хуруж объекти”
(Ф) Фикрингизни баён этиш	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтириш	
(У) Фикрингизни умумлаштириш	

5-ўқув топшириқ

«Т-схема» жадвалини тўлдириш

“Тўрт қадамли” универсал модел омилларини санаб беринг (ҳар бир қадам)	Аудиторияни сигментлаштиришнинг асосий омиларини санаб беринг
--	--

6- ўқув топшириқ: “ Елпиғич” жадвални тўлдиринг

**Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ютуқ ва
камчиликларини тўлдиринг.**

1 гуруҳ учун

ТВнинг	Ютуқлари	Камчиликлари

2 гуруҳ учун

Матбуотнинг	Ютуқлари	Камчиликлари

3 гуруҳ учун

Радионинг	Ютуқлари	Камчиликлари

7-ўқув топшириқ

«Блиц-сўров» саволларига жавоб беринг

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Мафкуравий полигон тушунчаси	

2.	Мафкуравий профилактика тушунчаси	
3.	Мафкуравий иммунитет тушунчаси	
4.	Сиёсий маданият тушунчаси	
5.	Ёшлар тарбияси тушунчаси	
5.	Мафкуравий хавфсизлик тушунчаси	
6.	Ижтимоий- сиёсий институтларга нималар киради	


2-ўқув топширик


ФСМУ жадвалини тўлдириш

Савол	“Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг омили нимада?”
(Ф) Фикрингизни баён этиш	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтириш	
(У) Фикрингизни умумлаштириш	

8-ўқув топширик


“Нима учун?” жадвалини тўлдириш





9-ўқув топширик

“Нима учун ?” техникасидан фойдаланиб “Нима учун ахборот маконимизга химоя керак?” саволига жавоб беринг.



10-ўқув топширик

Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:

- 1.Фуқаролик жамиятининг сифатларини таснифланг
- 2.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари хакида гапиринг
- 3.Фуқаролик жамияти асосини нима ташкил этади?
- 4.Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартлари нималардан иборат?
 - а. ОАВ тушунчасини таърифланг.
 - б. ОАВ қандай сиёсий вазифаларни бажаради?
- 5.Ҳозирги шароитда ОАВ сиёсий ролининг ошиб бориши қандай тушунтирилади?

ГЛОССАРИЙ

Ахборотни сохталаштириш (дезинформация) (*фран, des - “салбий” va information - “ахборот”*)- муайян гуруҳ ва доираларнинг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида сохта маълумотлардан фойдаланиш асосида ижтимоий фикрни чалғитиш мақсадида матбуот, радио ва ТВда қўлланадиган усул, восита. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши даврида у ташвиқотда кенг қўлланган. *Дезинформация* турлари: а) сохта ахборот, овоза ва шов-шувлар тарқатиш; б) конфиденциал маълумотлар "оқиб кетиши"ни ташкил қилиш; в) муайян фактларни бўрттириб ёритиш, зиддиятли хабарларни тарқатиш. *Дезинформация*нинг тарихи, аввало, ОАВнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан узвий боғлиқ, унинг мазмун-моҳияти асосан сиёсий, ғаразли мақсадларни кўзлаган интилишларда намоён бўлади.

Ахборот қуроли бу — ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ёки ўғирлаш воситаси, тармоқ тизимини бузиб кириш орқали керакли маълумотларни билиб олиш, уларга қонуний фойдаланувчиларининг киришини таъқиқлаш ёки чеклаш, техник воситаларининг ишларини бузиш, телекоммуникацион тармоқларни ишдан чиқариш, компьютер тизимларини, жамиятнинг технологик эҳтиёжларини қондиришдаги жараён ва давлат фаолиятининг барча бўғинларини ишдан чиқаришдир.

Ахборот хавфсизлиги- *нафақат давлатнинг ахборий ресурсларини, балки фуқароларининг ҳуқуқлари ва жамиятнинг барча структураларини ахборот маконидаги ҳимоясини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги - шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мувозанатлашган умуммиллий манфаатларни ахборот хавфсизлигининг ҳимояланиши.* **Давлат ахборот хавфсизлиги-** барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланганлик даражасига боғлиқ жараён. Бунда асосий ва зарурий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, фан-техника, таълим-тарбия, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборий таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотларни ноқонуний йўллар билан олишни баратараф этишнинг қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши мақсад қилиб белгиланади. Ахборот хавфсизлиги айни ахборий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга ёрдам бериш давлат тадбирларининг яхлит тизими. Ҳозир ахборий хавфсизлик ҳарбий хавфсизликнинг компоненти сифатида ҳам ишлатилиб, ҳарбий соҳадаги ахборий ресурслар, каналлар, билимлар ва маълумотлар базасининг мавжудлиги, уларнинг асосида ахборотларни қайта ишланиши, сақланиши ва қўлланилишидаги хавфсизликни англатмоқда.

Ахборот уруши - душманнинг ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўли билан амалга ошириладиган айни пайтда ўзининг ахборотларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари. Ўзга давлат тинч аҳолиси ёхуд ҳарбийларига муайян ахборот тарқатиш йўли билан таъсир ўтказиш.

Агрессор- кўпроқ ҳарбий соҳага тегишли тушунча бўлиб, БМТ Низомларига зид равишда давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ва сиёсий мустақиллигига бирон бир давлатнинг ҳарбий куч ишлатишига айтилади. Ҳозир

ахборот инқилоби асрида агресорнинг ахборий хужум, ахборий тажовуз тушунчаси билан ифодаланиши геосиёсий таҳлилларда қайд қилинмоқда.

Ахборий хуруж- ахборий хуруж бу ҳақиқий қуроли урушга қўйилган биринчи қадамдир. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кундаги долзарблиги шу ҳолат билан белгиланади. Инсоният "ахборий жамият" деб аталмиш янги бир даврга қадам қўяётган экан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳар доимгидан ҳам зарурдир. У муайян кучлар томонидан инсон онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан, жамият турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун унга моддий, маънавий, руҳий таъсир ўтказишнинг ноанъанавий ва ноҳолис усулларидан фойдаланиш асносида геосиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасини англатади.

Ақидапарастлик – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Бу атама фақат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади.

Анъана – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шакллариининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аجدодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

Анархизм- ҳар қандай ҳокимият ва давлатни инкор этувчи, ҳарким ўзига хўжайин деган қарашларга асосланувчи ижтимоий сиёсий оқим. Бу ҳоҳя бебошлик ва тартибсизликка олиб боради, тарақиёт йўлидан адаштиради, вайронкор моҳиятга эга.

Бир қутбли дунё - «совуқ уруш» да СССРнинг мағлубиятидан кейин вужудга келган геосиёсий тартиб.

Блок – бир неча давлатларнинг бирлашмаси ҳисобланиб, уларнинг стратегик ва геосиёсий жиҳатдан эътиборли ҳаракатлари умумбашарий даражадаги ўзгаришларга олиб келади.

Ватан равнақи – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир

Вайронкор (бузғунчи) ғоялар – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

Глобал геосиёсат- умумбашарий хавфсизлик билан боғлиқ геосиёсий жараёнлар мажмуаси. Турли минтақа ва мамлакатлар ўртасида анаънавий тўсиқларнинг геосиёсий даражада бузилиб кетиш жараёнлари. Учинчи мингйилликда халқаро хавфсизликнинг барча параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон

уруши таҳдидига , жумладан қуролланиш пойгасини тўхтатиш каби геосиёсий омилларга боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирги пайтда ахборот қуроли билан боғлиқ янги глобал геосиёсат юзага келди. “Глобаллашув”, “глобал ахборий макон” каби атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёнинг сиёсий жараёнлари, уларнинг ривожланиш тенденцияларини муҳим масалага айлантди.

Геосиёсатнинг объекти- дунёнинг геосиёсий тузилиш ва халқаро дунёвий тартибот тизимидаги геосиёсий жараён ва ҳодисалардир. Геосиёсат объектида жаҳоннинг геосиёсий харитаси туриши биринчи навбатда, дунёнинг кўп қутбли дунёга айланиши билан халқаро муносабатларнинг янги бир трансформация - давлатларнинг ўз таъсир доиралари учун курашнинг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди. У жамият тафаккурида кўп қиррали дунёвий сиёсат тушунчасининг шаклланишидан келиб чиқади. Мазкур масалалар геосиёсат объектида яхлит ҳолатда туриши мумкин, бироқ геосиёсат уларни таҳлилий жиҳатдан ўрганишни бир қатор босқичларда кўради. Масалан, замонавий геосиёсат дунёнинг сиёсий харитасида кечаётган жараёнларни умумбашарий, минтақавий ва маълум бир давлатнинг дахлдорлигидан келиб чиқиб, таҳлил этади ва тегишли хулосаларни чиқаради.

Геосиёсат предмети— умумбашарий ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда геосиёсат субъектлари муносабатлари, жамиятда кечаётган ҳар хил даражадаги ахборий-мафкуравий жараёнлар, уларнинг юзага келиши, ҳаракатланиши ва ўзгариб боришини ўзида акс эттирувчи воқеалар ривож.

Геосиёсий минтақа — бу сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо ва бошқа алоқалар учун қулай имкониятларга ва истиқболларга эга бўлган географик майдон ҳисобланади.

Геосиёсат - ("Geopolitika") сўзи юнон тилидаги "geo" (ер) ва "politicos" (давлатни бошқариш санъати) жумлаларидан олинган. Давлат ва халқларнинг ўзлари жойлашган ҳудуднинг географик, табиий - иқлим шароитларига мос равишда шаклланишини ифодаловчи мафкуравий фан. Геосиёсатнинг вазифаси сиёсий жараёнларнинг географик макондаги ўзаро алоқаларни, заминга ва маданий омилларга таъсирини ўрганиш, сайёравий маконни назорат этишдир. Бу жиҳатдан геосиёсатни амалий сиёсатни бошқариш ҳақидаги фан дейиш мумкин.

Геостратегия – геосиёсий таҳлилнинг ҳарбий жиҳати.

Демократия экспорти - инқилобий ахборот тарқатувчиларда инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясидан иқтибослар, уларда "нодемократик" режимлар сайёрамиздаги - қашшоқликдан бошлаб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, хотин-кизлар камситилишидан тортиб, этник тозалов ва геноцидгача бўлган барча кулфатлар сабабчиси сифатида тилга олинади. Бундай пайтда, шунингдек, халқаро сиёсат - умумий демократияни ёйиш ва олға суришдан иборатдир" деган қарашлар авжига чиқади. Шу тариқа ахборот маконларида "демократияни дунёга ёйиш" сиёсатининг баёни берилган бошланади.

Диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

Суверенитет- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақиллиги. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш; қонунларни қабул қилиш; уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш; суд ҳокимиятини амалга ошириш; мансабдор шахсларни тайинлаш; мустақил валютага эга бўлишни тақозо қилади. Давлат суверенитети ғояси БМТ ҳужжатларида, турли давлатларнинг конституцияларида ўз аксини топган. Республикамизнинг мустақиллиги давлат мустақиллигининг асосидир. Ўзбекистон Конституцияси 1-моддасида “Ўзбекистон –суверен демократик республика” эканлиги белгилаб қўйилган. Бизнинг сиёсий менталитетимиз суверенитетнинг мазмун моҳиятини мустақиллик тушунчаси орқали ифодалайди.

Миллий истиқлол ғояси – Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакиллариининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Мафкуравий иммунитет – лотинча Immunitatis сўзидан олинган бўлиб – бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим

Манипуляция - (*лот, manipulus – “қўл ҳаракати”*) - 1) қўл машқи, қўл ҳаракати, шу жумладан, қўл маҳоратига таянган фокус намойиш қилиш; 2) махинация, алдов, товламачилик, қаллоблик орқали ғаразли мақсадга эришиш; 3) одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (хиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион таъсир. Бу таъсир одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга ундаши мумкин. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, *манипуляция* - психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. Ахборот асрида бошқа кишиларнинг онги ва қалбига яширин, ғараз мақсад билан таъсир кўрсатишни ифодалашда манипуляция сўзи «объект устидан бирор мақсадда иш олиб бориш» маъносида ишлатилмоқда. Бунда чаққонлик, маҳорат талаб қилиниши кўзда тутилади. Шу сабабли, "манипуляция"ни кўчма маънода "одамлар билан объект сифатида муносабатга киришиш" деб ҳам тушуниш мумкин. Социологик тадқиқотларда бу ҳақда «бошқаларга билдирмасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳукмронлик қилиб, ўзи истаган ҳулқ-атворни шакллантириш» дейилади.

Макон - геосиёсатнинг асосий тушунчаси бўлиб, у миқдор ва сифат кўрсаткичига эга бўлмаган категория ҳисобланади. Маконнинг таркибий тузилиши тарихнинг таркибий тузилишини олдиндан белгилайди - геосиёсатнинг фан сифатидаги асосий тезиси ана шундан иборат.

Оммавий маданият–жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият. У ўз ичига маиший ҳаёт, қизиқишлар (спорт, поп-музыка), оммавий ахборот воситалари кабиларни олади. «Оммавий маданият» моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. «Оммавий маданият»

ўз номи билан омма, яъни кўпчилик эҳтиёжига мўлжалланган бўлиб, бу шакл ва мазмун стандартлашганлиги, шунингдек тижорат нуқтаи назаридан муваффақиятга қаратилганликни тақозо этади.

Оммавий ахборот воситалари – фуқаролик жамиятининг муҳим институти. ОАВ демократияни чуқурлаштириш аҳолининг демократик фаоллигини оширишда, фуқаролик мамлакат сиёсий ва ижтимоий, маданий ҳаётдаги воқеаликка нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, шунингдек жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар, амалга ошаётган барча ўзгаришлар, амалга ошаётган жараёнлар хусусида кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликка кўра оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва б.) ва электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, телекоммуникация тармоғларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бериладиган шакллари ОАВ сифатида бериладиган шакллари ОАВ сифатида эътироф этилади. XXI асрга келиб ОАВ давлатнинг ҳаётида муҳим ўрин тута бошлади. Техника ва технологиянинг тараққиёти ОАВнинг халқаро муносабатлардаги мавқеини ўзгартирди. У геосиёсий назорат ўрнатишнинг кучли қуролига айланди.

Прагматик – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

Периферия (марказдан четдаги, узоқдаги жойлар)— стратегик пойтахтдан, геосиёсий нуқтаи-назардан асосий қарорларни қабул қилувчи шахсдан узоқда жойлашган, ўзининг мустақил геосиёсий йўналишига эга бўлмаган макон ва ерни ифодаловчи тушунча.

Ташвиқотда “ақлни ювиш”- Мияни “ювиш” - мияни “ювиш” (*ингл. brainwashing; brain - “мия”; wash - “ювмоқ”, “тозалармоқ”*). Бу инсоннинг аввалги фикрлари, қарашларини рад этиб, унга ўзгача ёки бутунлай тесқари фикрларни қабул қилдиришга қаратилган жараён ҳисобланади. Баъзи мутахассислар буни назорат остидаги индивидуумларга зўрлик билан ўтказиладиган, ўз фикр-эътиқодини ўзгалар фикрлари, қарашлари, ҳулқи ва қарорларида устуворлик қилишини таъминлашга қаратилган руҳий тактика деб ҳисоблайдилар. Бунда кўрқитиш, онгга таъсир қилиш, доимий савол бериш каби усуллардан фойдаланилади.

Ҳудудий яхлитлик - чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги биргина армиянинг ҳарбий салоҳиятини кучайтириш билан чекланмайди. Давлат ҳудудий яхлитлиги, унинг барқарорлиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини таъминлаш - унинг ташқи сиёсий дипломатияси салоҳиятига боғлиқ геосиёсий жараёндир. Амалиёт *давлат чегаралари* ролининг геосиёсат воситаси сифатида кескин ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда инсоният характериға кўра мисли кўрилмаган ўзгаришларни бошидан кечиришга мажбур бўлмоқда. Бу ҳол айниқса геосиёсий координатлар тизимидаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Одатда, мазкур ўзгаришлар давлат чегараларида бошланади ва кучли акс этади. Расмий белгиланган чегара билан

конкрет давлат ёхуд мамлакатлар гуруҳи таъсир доираси ўртасидаги бекиёс ҳажмда геосиёсий зиддиятларнинг ўткирлашуви-умумбашарий, минтақавий келишмовчиликларнинг кучайиб кетишига ва давлат ҳудудий яхлитлигига таҳдидга олиб келиши мумкин.

Космополитизм- “ жаҳон давлати” ва “ жаҳон фуқоролигини “ тарғиб қилувчи таълимот. У жаҳон миқёсида ахборот имкониятлари ошиб бораётган ахборот асри даврида “ Ватан “ тушунчаси нисбий характерда эканлигини рўқач қилиб, бугунги кунда айрим инсонларнинг Ватанга боғланиб қолиши шахс эркинликларининг чекланиб қолишига олиб келмоқда деб таъкидлашади.

Кибертерроризм (лот, cyber terrorism; cyber - “кибер”, terror – “қўрқув”, “дахшат”) – замонавий, илғор технологиялар, компьютер ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда ёвуз кишиларнинг ўзининг ғараз ниятларига эришишдан иборат. Кибертерроризм (компьютер терроризми) остида ғаразли ниятда, сиёсий мақсадларда амалга оширилган компьютер тизими ва тармоғидаги ахборотга қилинган ҳужум тушунилиб, у одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф пайдо қилиб, жамоатчилик тинчлигини бузади, аҳолини қўрқитиб, ҳарбий низо келтириб чиқаришга интилади. Кибертерроризм инсоният учун жиддий хавф бўлиб, уни ядро, бактериологик ва кимёвий қуролга тенглаштириш мумкин. Ҳатто у ўз янгилиги туфайли тўла-тўқис ўрганиб улгурилмаган қуролдир.

Кучлар мувозанати- турли давлат ва гуруҳларнинг қудратига боғлиқ ўзаро алоқадорликдан келиб чиқадаган ҳамкорликнинг натижасида пайдо бўлади. Кучлар мувозанати – тенг вазнлилик эмас, балки динамик равишда турли ўйин элементларидан келиб чиқувчи кучлар муносабатидир. “Дарвоза мамлакат” тушунчаси орқали қулай шароитга эга бўлган ўрта миқёсдаги давлатнинг турли геосиёсий блоклар маҳоратларидан унумли фойдаланиши, минтақадаги кучлар нисбати муаммоси – ҳозирги халқаро журналистик таҳлилларнинг асосий мавзуси.

Кўп қутбли дунё - бу бир қанча улкан маконларнинг биргаликда мавжуд бўлишини назарда тутувчи замонавий соф назарий мажмуа. Бу ҳолат фақат бир қутбли дунё бартараф этгилгандан кейингина бўлиши мумкин.

Сиёсий борлиқ — бу геосиёсатнинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Сиёсий журналистикада давлат (куч) геосиёсатнинг марказий тушунчаларидан бири ҳисобланса, сиёсий борлиқ давлатнинг сиёсий ҳолати ва ҳаётий мазмунини кўрсатиб берувчи муҳим омил тариқасида акс этади. Сиёсий борлиқда давлатнинг турмуш тарзи намоён бўлади. Ўз навбатида журналистикада борлиқ тушунчаси геосиёсат назариясининг асоси, унинг ҳар қандай давлатда чегараланганлиги билан акс этиб бормоқда.

Сиёсий география – Ф. Ратцел томонидан илгари сурилган атама ҳисобланиб, Челлен томонидан номлангандан кейин очиги «геосиёсат» деб номланадиган бўлди.

Сепаратизм - чекка ҳудудларнинг мухториятига мойиллик, унинг иқтисодий, маданий, сиёсий ва стратегик сингари бир қанча шакллари мавжуд.

Ташқи таҳдидлар – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади

Тарғибот (араб. қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим. Муайян замин ва маконда маълум бир стратегик-назарий масалаларни аҳоли онгига изчил сингдиришни мақсад қилган фактор тарғиботдир. Тарғибот – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

Умуминсоний қадрият – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

Умумбашарий – бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Империя – диний, ахлоқий, сиёсий- мафкуравий характердаги универсал ғоя остида бир неча давлат ёки халқларни бирлаштирувчи умумдавлат тузилмаси.

Интеграция – геосиёсатда бир неча ҳудудий бўлақларни бирлаштиришни ифода этувчи кўпқиррали шакл. Интеграция ҳарбий босқинчилик йўли билан ҳам, тинч йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Геосиёсий интеграциянинг бир қанча – иқтисодий, сиёсий, маданий, тил, стратегик, диний ва ҳақозо йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси ягона мазмундаги якуний натижага – блокнинг стратегик жиҳатдан юксалишига ва ҳудудий жиҳатдан кенгайишига олиб келади.

Феминстлар-аёлларни камситишлардан халос этувни тарғиб қилувчи, уларнинг мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида тарғиб қилувчи оқим.

Ғарб индивидуализми- инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалигини, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ифодаловчи ахлоқий хусусият. Индивидуализм алоҳида шахс манфаатларини жамоа манфаатларидан утун кўради, оила манфаатини жамият манфаатидан алоҳидаликда олиб қарайди. Бугунги кунда жамиятда айрим кишилар фақат ўзини ўйлашлик руҳияти билан боғлиқ социал маънавий ҳолатлар ғарбона индивидуализмдан озуқа олмоқда. Бунда ўзгалардан устун қўйиш, бошқаларни менсимаслик, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйиш иллатлари етакчи ўринга чиқади.

Ғоявий тарбия – жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришдир. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади.

Ғоянинг турли кўринишлари – Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига кўра – илмий, фалсафий, диний, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга бўлинади.

Шовинизм – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш

Юрт тинчлиги – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилдир

Ижтимоий хамкорлик – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги

Экстремизм – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

Эътиқод – Дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш – уни ҳақ деб билиб, уни таълимотини тан олиш.

Қадрият – умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий, диний турларга бўлинади.

Фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунчадир. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

Эҳтиёж – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

Шарқона демократия - урф-одат, қадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

Ирқчилик – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму-кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

Фанатизм – Бирон ғояга, шахсга унинг мазмунини, моҳиятини чуқур англамасдан жоҳилларга ишониш ва унга эргашишдир ва у ҳаётда турли соҳаларда учрайди.

Ҳушёрлик - инсон, ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг жамият, миллат, давлатнинг тинчлиги, барқарорлиги, фаровон ҳаёти ва мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолишга қаратилган ижтимоий-маънавий туйғусини ифода этувчи атама.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни

2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

19. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
20. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. 204.
21. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
22. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
23. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
24. Muhammadsiddiqov M.M. Musulmon mamlakatlari va zamonaviy xalqaro munosabatlar. O‘quv qo‘llanma. – T.: Qaqnus media, 2019. – 226 b.
25. Muhammadsiddiqov M.M. Xorijiy Sharq va G‘arb mamlakatlarida ijtimoiy-siyosiy jarayonlar. Darslik. – T.: Qaqnus media, 2019. – 216 b.
26. Muhammadsiddiqov M.M. Zamonaviy xalqaro munosabatlarning mintaqaviy jihatlarini. Darslik. – T.: Qaqnus media, 2019. – 207 b.
27. Muhammadsiddiqov M.M., Azimov H.Ya. Sharq mamlakatlari xalqaro munosabatlari. O‘quv qo‘llanma. – T.: Qaqnus media, 2019. – 207 b.
28. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
29. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
30. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
31. Битўраев Ў.Б. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: ТошДШИ, 2017.
32. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
33. Ёвқочев Ш.А. Жаҳон сиёсатида ислом омили. –Тошкент.: ТошДШИ, 2016.
34. Жумаев Р. З. Конфликтология. –Тошкент.: ТошДШИ, 2018.
35. Жумаев Р.З., Ёвқочев Ш.А. Сиёсий технологиялар. –Тошкент.: ТошДШИ, 2019.
36. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

37. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

38. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

39. Мадаминова Д.И. Жаҳон сиёсати. – Тошкент, 2019. – 228 б.

40. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

41. Мустапова Х. И., Битўраев Ў.Б. Халқаро муносабатлар назарияси. . – Тошкент.: ТошДШИ, 2017.

42. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

43. Сайфуллаев Д.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, 2016.

44. Сайфуллаев Д.Б. Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиш тарихи (1991-2016). – Тошкент.: ТошДШИ, 2018.

45. Сайфуллаев Д.Б. Хорижий давлатлар дипломатик хизмати. – Тошкент.: 2018.

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

IV. Интернет сайтлар

47. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.

48. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

49. www.Ziyonet.Uz

50. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

51. www.ut.uz

52. www.to.uz

53. www.mtrk.uz

54. www.uzbekiston.uz

55. www.jb.uz

56. www.tafakkur.uz

57. www.ppch-uzbekiston.uz

58. www.yoshlar.uz

59. www.ijtimoiyfikr.uz

60. www.informanalytic_ru

61. <http://daily.sec.ru/dailypblshow.cfm>

62. www.ase.md

63. <http://www.phreaking.ru/showpage.php>

